

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ
ФАЛСАФИЙ-ЭСТЕТИК АСОСЛАРИ”
модули бўйича
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тузувчилар: **А.С.Эркинов, З.И.Мирзаева**

Тошкент – 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ
ФАЛСАФИЙ-ЭСТЕТИК АСОСЛАРИ”
модули бўйича**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А С И

Тошкент 2016

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 25 августдаги 355-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар:

*А.Эркинов,
ТошДЎТАУ филология фанлари
доктори
З.Мирзаева,
филология фанлари номзоди*

Такризчилар:

*З.Абдирашидов
PhD, фалсафа доктори*

Ўқув -услубий мажмуа ТошДЎТАУ Кенгашининг 2016 йил _____ даги ____-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| I. ИШЧИ ДАСТУР..... | 4 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 10 |
| НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР | 11 |
| III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР | 15 |
| IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ..... | 62 |
| V. КЕЙСЛАР БАНКИ | 69 |
| VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ | 70 |
| VII. ГЛОССАРИЙ..... | 71 |
| VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... | 73 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Бугунги кунда жаҳон миқёсида кечаётган интеграциялашув, глобаллашув жараёнлари барча соҳалар қаторида таълим йўналишига ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда. Айниқса, юртимиз Мустақиллигидан кейин таълим тизимига сиёсат даражасида эътибор қаратилиб, Президент И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” каби асарларида миллий таълимни ислоҳ қилиш, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган мактаб, лицей ва коллежларда ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятини янада яхшилаш, жаҳоннинг илғор педагогик ғоялари ва услубларини миллий таълим тизимимизга жорий қилиш каби масалалар хусусида бир неча марта тўхталиб ўтганлар.

Бундан ташқари давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор–ўқитувчилар, соҳа вакиллари олдида янада жиддий ва улкан вазифаларни кўйди. Ушбу фармон вазифаларнинг яна бир муҳим жиҳати турли хил, хусусан, санъат, фан, адабиёт, маданият соҳаларида мавжуд миллий ютуқларни хорижий тажрибалар билан уйғунлаштириб, такомиллаштиришдан иборат.

Ҳозирги кунда ўзбек адабиётининг фалсафий-эстетик асосларини жаҳон фанининг энг сўнгги ютуқлари ва тажрибаси асосида ўрганиш ҳамда адабиётшуносликка татбиқ қилиш биздаги филологик фанларни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш учун зарур. Мазкур фан доирасида тингловчилар ўзбек адабиётининг фалсафий-эстетик асосларини дунё адабиётшунослигидаги илғор тажрибалари қамровида ўрганадилар.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Ўзбек адабиётининг фалсафий-эстетик асосларини курси соҳадаги янги йўналишлардан бири бўлиб, унда ўзбек адабиётини фалсафий-эстетик жиҳатдан ўрганишда жаҳон адабиётшунослиги тажрибасидан фойдаланиш мақсад қилиб олинади. Дунёдаги адабиётшунослик ва эстетика фанларини ўрганишда қандай йўналишлар мавжуд, нималарга эътибор қаратиш керак ва ҳозиргача мавжуд тажрибаларга қандай янгиликлар кўшиш кераклиги курснинг диққат марказида туради.

Ўқув фанининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг вазифалари куйидагилар:

- Герменевтика ва адабий герменевтикани билиши ва герменевтиканинг шарқ эстетик тафаккуридаги ўрнини билиб олиши;
- Жаҳон навоийшунослиги ва унинг тараққиёт тамойилларига доир маълумотларни ўрганиши;

- Шарқ ва Ғарб эстетик қарашларининг ўзига хос жиҳатлари, эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон масалаларининг миллий ва ғарбга хос талқинлар нималарда намоён бўлишига доир билимларга эга бўлиши;

- Ўзбек адабиёти жаҳон адабиётшунослиги контекстида қандай мавқега эга эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ҳамда адабиёт назариясининг хориж тажрибасига доир маълумотларга эга бўлади.

-
Курс бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва лаёқатларига қўйиладиган талаблар

Ўзбек адабиётининг фалсафий-эстетик асослари курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

Тингловчи:

- ўзбек адабиётининг фалсафий-эстетик асосларини мавжуд давргача бўлган даражаси ва уни янги жиҳатдан ўрганишга доир билимларга эга бўлиши;

- мазкур жараёнда мавжуд чет эл тажрибалари ёритилган илмий ва методик адабиётларни;

- адабиётнинг фалсафий-эстетик хусусиятларини *билиши керак*;

Тингловчи:

- хорижий адабиётшунослик ва эстетика фанлари методларини илмий жараёнга қисман татбиқ қилиш;

- талабалар билан дунё адабиётшунослиги ютуқлари асосида қурилган дарсларни ташкил этиши;

- адабиётшунослик фанининг энг сўнгги ютуқларини ўз дарсига ва илмий фаолиятига татбиқ қила олиш *кўникмалари* ва *малакаларини* эгаллаши зарур.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Ўзбек курси маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, ахборот-мулоқот технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, “ақлий хужум”, “гуруҳли фикрлаш”, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўзбек адабиётининг фалсафий-эстетик асосларини фани ўқув режадаги биринчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий

боғланган ҳолда педагогларнинг умумий ва махсус фанлар бўйича тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Фаннинг олий таълимдаги ўрни

Ушбу фанни ўзлаштириш орқали тингловчилар ўзбек адабиёти намуналарини ўрганишда янгича фалсафий-эстетик асосларни эгаллаб, жумладан, илмий ва таълим жараёнларини ташкил этишда дунё тажрибасини ўрганадилар. Уларни амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоги

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат | | | | | Мустақил таълим |
|----|--|-----------------------------------|-------------------------|------------------|-----------------|---|-----------------|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкلامаси | | | | |
| | | | Жами | Жумладан | | | |
| | | | | Назарий машғулот | Амалий машғулот | | |
| 1 | Герменевтика ва адабий герменевтика | 6 | 4 | 2 | 2 | | 2 |
| 2 | Герменевтика ва шарқ тафаккури | 4 | 4 | 2 | 2 | | |
| 3 | Жаҳон навоийшунослиги ва унинг тараққиёт тамойиллари | 4 | 4 | 2 | 2 | | |
| 4. | Шарқ ва Ғарб эстетик қарашларининг ўзига хос жихатлари. Эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон масалаларининг миллий ва ғарбона талқинлари | 6 | 4 | 2 | 2 | | 2 |
| 5. | Ўзбек адабиёти жаҳон адабиётшунослиги контекстида | 6 | 6 | 2 | 2 | 2 | |

| | | | | | | | |
|----|--|-----------|-----------|-----------|-----------|----------|----------|
| 6. | Адабиёт назариясининг хориж тажрибаси. Тафаккурдаги сифатий силжиш | 2 | 2 | | 2 | | |
| | Жами: | 28 | 24 | 10 | 12 | 2 | 4 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Герменевтика ва адабий герменевтика

Герменевтика фалсафий фан сифатида. Герменевтика ва экзегетика. Адабий герменевтика.

2-мавзу. Герменевтика ва шарқ тафаккури

Герменевтиканинг шарқ тафаккуридаги ўрни. Герменевтиканинг шарқ адабиётидаги ўрни. Герменевтика ва ўзбек адабиёти.

3-мавзу. Жаҳон навоийшунослиги ва унинг тараққиёт тамойиллари

Ўзбек навоийшунослиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жаҳон навоийшунослигининг ўзига хос хусусиятлари. Жаҳон навоийшунослиги ва унинг тараққиёт тамойиллари

4-мавзу. Шарқ ва Ғарб эстетик қарашларининг ўзига хос жиҳатлари. Эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон масалаларининг миллий ва ғарбона талқинлари

Шарқ ва Ғарб эстетик қарашларининг ўзига хос жиҳатлари. Эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон масалаларининг миллий талқинлари. Эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон масалаларининг ғарбга хос талқинлари.

5-мавзу. Ўзбек адабиёти жаҳон адабиётшунослиги контекстида

Ўзбек адабиётшунослиги тарихи ва тараққиёт тамойиллари. Ўзбек адабиётининг Ғарб ва Шарқда ўрганилиши. Ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилишининг назарий масалалари.

6-мавзу. Адабиёт назариясининг хориж тажрибаси. Тафаккурдаги сифатий силжишлар

Адабиёт назариясининг ўзимизда ўрганилиши ва хос хусусиятлари. Адабиёт назариясининг хорижда ўрганилиши. Адабиёт назарияси фанининг замонавий муаммолари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

1-амалий машғулот:

Шарқ ва Ғарб герменевтикасининг умумий ва хусусий жиҳатлари.

Навоий ва герменевтик тафаккур. Шарқ ва Ғарб герменевтикасининг замонавий муаммолари. Герменевтика ва талқин масаласи. Адабий герменевтика ва унинг имкониятлари.

2--амалий машғулот:

Герменевтика ва шарқ тафаккури.

Герменевтика ва шарқона тафаккур тарзи. Герменевтика ва шарқ ҳамда ўзбек адабиёти. Герменевтиканинг шарқ адабий матнларига татбиқи.

3--амалий машғулот:

Шарқ ва Ғарб навоийшунослиги ва унинг тараққиёт тамойиллари.

Шарқ ва Ғарб навоийшунослигининг тараққиёт тамойиллари, умумий ва хусусий жиҳатлари. Жаҳон навоийшунослиги тарихи, тараққиёт босқичлари

4--амалий машғулот:

Шарқ ва Ғарб эстетик қарашларининг ўзига хос жиҳатлари.

Эстетик идеал ва интеллектуал қахрамон масалаларининг миллий ва ғарбона талқинлари. Таҳлил ва талқинлардаги умумийлик ҳамда хусусийлик. Талқин объективлиги ва субъективлиги

5-амалий машғулот:

Ўзбек адабиёти жаҳон адабиётшунослиги контекстида.

Ўзбек адабиётшунослиги тарихи ва тараққиёт босқичлари. Ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши. Ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти контекстида.

6--амалий машғулот:

Адабиёт назариясининг хориж тажрибаси. Тафаккурдаги сифатий силжиш.

Ўзбек адабиётшунослиги ва адабиёт назарияси. Адабиёт назарияси ва замонамиз. Адабиёт назариясининг тараққиёт тамойиллари.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчига мустақил ишни ўтилган дарслар натижаларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- замонавий техник воситалар орқали маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тавсия этилган мавуларнинг илғор хорижий тажрибаларини татбиқ этган ҳолда дарснинг тахминий режасини тузиш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ


| № | Ўқув-топшириқ турлари | Максимал балл | Баҳолаш мезони | | |
|----|------------------------------------|---------------|-------------------|-------------------|-------------------|
| | | 2,5 | “аъло” 2,2-2,5 | “яхши” 1,8-2,1 | “ўрта” 1,4-1,7 |
| 1. | Тест-синов топшириқларини бажариш | 0,5 | 0,4-0,5 | 0,34-0,44 | 0,28-0,3 |
| 2. | Ўқув-лойиҳа ишларини бажариш | 1 | 0,9-1 | 0,73-0,83 | 0,56-0,7 |
| 3. | Мустақил иш топшириқларини бажариш | 1 | 0,9-1 | 0,73-0,83 | 0,56-0,7 |

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“АҚЛИЙ ХУЖУМ” МЕТОДИ

Метод тингловчиларни мавзу хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланишга доир кўникма, малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. Унинг ёрдамида ташкил этилган машғулотларда ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал (ўзига хос) ечимларни топиш имконияти туғилади. Метод мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Уни самарали қўллашда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:



Ўқувчи (талаба)ларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, улар томонидан мантикий фикрларнинг билдирилишига эришиш

Ҳар бир ўқувчи (талаба) томонидан билдириладиган фикрлар рағбатлантирилиб борилади, билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади; фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги янги фикрларнинг туғилишига олиб келади

Ҳар бир ўқувчи (талаба) ўзининг шахсий фикрларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин; аввал билдирилган фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди

Машғулотда ўқувчи (талаба)лар фаолиятини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдириладиган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди (зеро, фикрлар баҳоланиб борилса, ўқувчи (талаба)лар диққатларини шахсий фикрларни ҳимоя қилишга қаратади, оқибатда янги фикрлар илгари сурилмайди; методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад ўқувчи (талаба)ларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундаш эканлигини ёдда тутиб, уларни баҳолаб боришдан воз кечишдир)

«Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

“Ассисмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.


Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

| Тушунчалар | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади? | Қўшимча маълумот |
|------------------|---|------------------|
| Герменевтика | “Герменевтика” Гермес номи билан боғланган бўлиб, Қадимги юнон мифологияси Гермесни Олимпия худолари элчиси сифатида тасвирлаган. Айтилишича, у одамларга худоларнинг буйруқ ва хабарларини етказиб турган. Ўзи етказётган матнни талқин этиш ва тушунтириш унинг мажбуриятига кирган | |
| Неокантчилик | Унга кўра руҳий олам ҳақидаги фанлар–гуманитар соҳа табиат тўғрисидаги фанлар – табиий соҳага зид туради). | |
| “Ҳаёт фалсафаси” | Ижтимоий ҳодисаларни билишда “тушуниш” ва интуицияга таяниш | |
| Тазкира | Шоирлар таржима ҳоли ва ижоди ҳақида қисқача маълумот беришга мўлжалланган асарлар | |
| Эмпирик метод | Маълум воқеликнинг амалий фаолият орқали идрок этиш | |

| | | |
|---------------|---|--|
| | воситасида тушунтиради. | |
| Экстрополяция | Нарса ва ҳодисанинг бир қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа қисмига ёйиш ёки татбиқ этиш. | |

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Намуна: Биоинформатика тушунчаси ва унинг тарихи. Фан сифатида ривожланиши



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Кириш. Герменевтика ва адабий герменевтика.

Режа:

- 1.1. *Герменевтика фалсафий фан сифатида.*
- 1.2. *Герменевтика ва экзегетика.*
- 1.3. *Адабий герменевтика.*

Таянч иборалар: *герменевтика, герменевтик таҳлил, экзегетика, адабий герменевтика*

1.1. Герменевтика фалсафий фан сифатида.

“Герменевтика” сўзи этимологиясига кўра Гермес номи билан боғланади. Қадимги юнон мифологияси Гермесни Олимпия худолари элчиси сифатида тасвирлаган. Айтилишича, у одамларга худоларнинг буйруқ ва хабарларини етказиб турган. Ўзи етказаётган матнни талқин этиш ва тушунтириш унинг мажбуриятига кирган. Нутқ ва ёзувнинг ихтиро этилиши, айтилиши вақтда, тушунишнинг барча соҳаларига ҳомийлик қилиш ҳам Гермесга нисбат берилди. Қадимги Рим мифологиясисистемасида Гермес ролини Меркурий ўйнаган: у ҳам худо ва инсонлар орасида воситачилик қилган. “Герменевтика” атамаси ва худо Гермес исми орасидаги яқинлик тўғрисида гапира туриб, баъзида бу худо савдо соҳасига хомийлик қилиш функциясига ҳам эга бўлганлигини эса оладилар. Савдо-тижорат эса табиийки, ўзаро тушунишни талаб этади”¹.

Қуйидаги икки омил герменевтиканинг фалсафий асоси бўлиб хизмат қилади:

¹ Gadamer H.G. Truth and Method. Continuum Publishing Group, 2004.P.20.

1. Неокантчилик (унга кўра руҳий олам ҳақидаги фанлар–гуманитар соҳа табиат тўғрисидаги фанлар – табиий соҳага зид туради).

2. “Ҳаёт фалсафаси” (ижтимоий ҳодисаларни билишда “тушуниш” ва интуицияга таяниш).

Табиат ҳақидаги фанларда сабабият асосида тушунтириш, умуман, тушунтириш етакчидир. Масалан, $2 \times 2 = 4$ бўлиши, яъни аниқ ҳақиқат “4”га келишининг асослари уларда тушунтирилади. Гуманитар соҳаларда бўлса, тушуниш бош масала бўлиб келади. Герменевтика ҳақиқатларнинг кўп бўлишини қувватлайди. Чунки фалсафий рисола ёки ўтмишда яратилган бадиий асар ва умуман маданият тарихидаги ҳар қандай феномен, тамомила, инсон қабул қилишининг индивидуал жиҳатлари билан боғлангандир.

Бугунги кунда герменевтика дейилганда, икки нарса тушунилади:

1. Матн талқини назарияси ва амалиёти.
2. Замонавий фалсафадаги оқим.

Матн талқини назарияси ва амалиёти билан боғлиқ герменевтика талқин назарияси, талқин этиш санъати ҳамдир. Бадиий матн талқини билан шуғулланувчи герменевтика эса адабий герменевтика деб аталади. У қадимий матнларнинг асл маъносини очиш усул ва йўллари ҳамда бизгача ўзгаришга учраб етиб келган адабиёт обидаларининг дастлабки маъносини тиклашга қаратилган таълимотдир. Герменевтика фанининг фалсафа ва адабиётшунослик билан боғлиқ жиҳатлари дунё фалсафа илми ва филологиясида бир неча жиҳатлардан ўрганилган. Ўзбек тилидаги адабиётлар ичида бу атама ва таълимот ҳақидаги дастлабки маълумот кейинги даврда яратилган адабий-танқидий тадқиқот ва фалсафа фани бўйича қўлланмада ўз ифодасини топган².

Герменевтика (асар маъносини тушуниш ва талқин этиш назарияси), гносеология (билиш назарияси) ва аксиология (қадриятлар назарияси) каби

² Gadamer H.G. Truth and Method. Continuum Publishing Group, 2004.P.32.

кенг фалсафий системанинг ажралмас қисмидир. Герменевтика таълимоти бугунги кунда адабиётшунослик, тилшунослик ва санъатшунослик фанларига хизмат қилмоқда.

Энди герменевтика ва у билан боғлиқ баъзи масалаларга тўхтайлик. Тушуниш назариясидаги энг мураккаб жиҳатлардан бири герменевтик доира масаласидир. Герменевтик доира шу билан боғланганки, бутунни унинг қисмларини тушунмай туриб талқин этиб бўлмайди. Қисмларни билиш ҳам бутунни тушунишдан келиб чиқади. Кўринишдан, герменевтик доирани ечиб бўлмайдигандек. Аслида, бу жиҳат – бутун ва бўлакнинг ўзаро бир-бирини талаб қилиши ушбу доиранинг хусусияти ҳамдир. Бадиий асар талқини асар маъноси, ғояси яхлит йўналишини топишга қаратилгандир. Бироқ, ўқувчи асарни ўқиётганида унинг бирор конкрет лавҳаси билан мулоқотда бўлади. Бу лавҳаларнинг маъносини англаб бориш бутун-яхлит асарни тушуниш, талқин этишга олиб боради. Герменевтик доирани ечиш ва яна кўшиш мумкин: тушуниш бутуннинг бўлакларини англашдан бошланади (бу ҳолат “предпонимание” – “тушунишдан аввалги ҳолат”, “тушунишга чоғланиш” деб аталади). Масалан, китобни ўқишдан аввал унинг аннотацияси, мундарижасига қараб муайян тушунча ҳосил этилади, ёки дейлик, Навоий асарларини тушуниш учун китобхон маълум бир тайёргарликка эга бўлиши лозим.

Бўлакларни билиш бутунни англашга олиб боради. Бошқача қилиб айтганда, бадиий матнни талқин этиш - унинг умумий маъно йўналишини аниқлаш учун уни аввал онгда таҳлил этиб чиқиш керак. Таҳлил эса талқин асосидагина амалга ошади.

Талқин ҳақидаги таълимот – герменевтика узоқ тарихга эга бўлиб, вужудга келишига кўра антик маданият даврига бориб тақалади. Антик маданият давридан бошлаб герменевтиканинг мақсад, вазифа ва предмети ўзгариб борган. Талқин масаласи билан боғланган дастлабки асар Гомернинг “Илиада”си бўлган. “Илиада” ва “Одиссея” асарларини талқин этган

грамматистлар герменевтиклар ролида намоён бўлишган. Кейинчалик шундан келиб чиқиб, герменевтика деганда, Гомерни ёки қўхна бадий асарларини талқин этиш тушунилади бошланган.

Ўрта асрларда герменевтика экзегетика билан айнан бир нарса сифатида қаралган. Экзегетика диний матнлар, хусусан, Инжил талқини билан шуғулланувчи соҳа ҳисобланади. Буни Ислом оламидаги Қуръон талқини билан шуғулланувчи тафсир ва таъвилга қиёслаш мумкин. Маърифатчилик асрига келиб, герменевтиканинг методологик принциплари пайдо бўла бошлади. Европада маърифатчилик асридан бошлаб тарихий ва бадий асарларни талқин қилишга эътибор кучаяди. Бунда матн талқини учун у яратилган давр тарихий шароитини қайтадан тиклашга уриниш намоён бўлади. Шу воситада асар муаллифи ва ўқувчи орасидаги масофа яқинлаштирилади. Маърифатпарварлар ўқувчи матнни талқин этиш жараёнида муаллифнинг фикрларини онгида қайта яратиб, унинг нуқтаи назарини тўлиқ қабул қилиши шарт эмас, ўқувчи муаллифдан-да кўпроқ нарсани тушуниши мумкин, деб қараганлар³.

XX асрдаги файласуф Ф.Аст асос солган тушуниш назарияси герменевтиканинг навбатдаги қадами бўлди. Замоनावий герменевтиканинг отаси Ф.Шлейермахер герменевтиканинг мақсадини ўзга индивидуалликни тушунишдан иборат деб билди. У герменевтикани талқин назариясидан лингвистик тушуниш тўғрисидаги фанга айлантирди. Файласуф В.Дилтей (1833-1911) герменевтикани гуманитар тадқиқотларнинг умумий методига айлантирган бўлса, бу таълимотнинг XX асрдаги энг йирик намояндаларидан М. Хайдеггер (1889-1976) учун герменевтика дунёни англашнинг алоҳида системасига айланди. Хайдеггернинг шогирди, германиялик Х.Г.Гадамер (1900-1991) герменевтикани тушуниш назарияси ва гуманитар фанлар методологияси сифатида инкор этди. Унинг фикрича, герменевтика онтология тўғрисидаги фалсафий таълимотдир. Бироқ, италян олими Э.

³ Gadamer H.G. Truth and Method. Continuum Publishing Group, 2004.P.56.

Бетти (1890-1970) герменевтика фалсафий таълимот бўлмай, гуманитар ва тарихий фанлар методологиясидир, деган қарашни илгари сурди.

Аслида, Х.Гадамер ва Э.Беттидан бошлаб герменевтикада матн талқинчиси ва, умуман, тушунишга икки хил қараш бошланди:

1. Гадамер учун тадқиқотчи матнни тушунишда анъана ва тилни билса етарлидир. Унингча, “тарихий ҳодиса билан боғлиқ барча актуал муносабатларни узиш унинг асл қимматини аниқлаш имконини беради”.

2. Э.Бетти қарашича, тушуниш учун тадқиқотчининг субъекти кучли бўлиши, субъектнинг максимал даражада фаоллашуви лозимдир. Реципиентнинг ўзида тарихий ўтмишни қайта жонлантириши тушунишга олиб келади. Яъни, тадқиқотчи индивидининг кучи тушунишда асосий роль ўйнайди, дейилади.

Ҳар ҳолда бу икки қарашда ҳам жон бор. Олимлар ҳақиқатга етишиш йўлида тактикада фарқланмоқдалар. Умуман, герменевтика ва унга берилган таърифлар қамрови кенг, у матндан ташқари, тарихий ёдгорлик ва гуманитар фанларнинг бошқа соҳалари билан алоқадор. Жумладан, “Фрейднинг психоаналитик таълимоти герменевтикадир”. Ёки бўлмаса кенгроқ олиб қаралса, “герменевтика” маъно, мазмун ва белгилар, хусусан, инсон нутқидаги сўзлар остидаги фикрларни очиш воситаларини излайди”.

Герменевтиканинг бош муаммоси интерпретациядир. Бадиий матн билан бўладиган ҳар қандай мулоқот асосида интерпретация етганлиги, адабиётшунослик илми асар матни интерпретацияси билан шуғулланиши боис биз бу ўринда бадиий матн талқини – интерпретациясининг баъзи назарий жиҳатларини кўриб ўтамиз. Бу масала юзасидан бир қанча тадқиқотлар яратилган.

Бадиий асарнинг энг асосий хусусияти унинг образлилигидир. Бадиий ижод ижтимоий онгнинг шундай турики, у бадиий образ асосига қурилади. Бадиий образ эса ўз характериға кўра замирида чексиз маъноларни сақлаши

мумкин. Образнинг асосий хусусияти унинг “ифодавий тугалланмаганлиги” ва у билан боғлиқ кўп маънолилигидадир.

Ифодавий тугалланмаганлик – образ замиридаги маънонинг бирдан ортиқлиги, бу маънони буткул айтиб тугатилмаганлигидир. Кўп маънолилик ҳам ана шу ифодавий тугалланмаганликдан келиб чиқади. Образнинг инвариантлиги –шаклдаўз кўринишини ўзгартирмай, моҳиятда ўзгарувчанлиги билан боғланади. Чунки образ шаклан бир маънони англатаётган кўринса-да, моҳиятан, унинг маънолари кўп бўлиб, бу маъноларни, ҳатто, асарни яратган муаллиф ҳам чеклайолмайди. Масалан, “гул” сўзидан гул образининг фарқи шундаки, бадий асардаги гул образи ўсимликни ҳам ёки маъшуқа, лаб ва бошқа нарсаларни ҳам контекст ва ўқувчи дунёқараши, диди билан боғлиқ равишда англатиши мумкин⁴.

Масалан, бозорнинг кираверишига доира ичига, дейлик, “5” белгиси ёзилган. “5” ёзиб қўйилганини кўрган кишилар уни ўзларича талқин этишлари мумкин. Бу белги бозорга кираётган машиналар тезликни соатига 5 км дан оширмаслиги кераклигини билдиради. Бироқ, одамлар бу белги – образни ўзларича талқин этадилар:

- бозорга кириш учун 5 сўм пул тўлаш керак;
- бу 5-дарвоза;
- бозорнинг 5-бўлими ва ҳоказо.

Бу белги– рамз, образ талқинини яна давом эттириш мумкин. Бироқ талқинда ҳам ўзига яраша мантиқ бўлиши, топилган маънолар рамз, образ табиатидан узоқ бўлмаслиги лозим.

Ушбу ҳолат яна шу билан ҳам боғланганки, «рамзий образ (аломат)ифодавийлик ва якка маънолилигидан қатъи назар туганмас маъноларга эга. Чунки уни тўлдириб турувчи образ ўз белгиланиши

⁴ Gadamer H.G. Truth and Method. Continuum Publishing Group, 2004.P.88.

чегарасидан кўра кўпроқ нарсанианглатиб, атама сифатида «ғайрио бразилик» ва «белгисизлик» (би-сурати, би-нишони) сўзларида мужассамлашган. Образнинг етишиб ва ифодалаб бўлмайдиган маконий мавжудлик соҳаси ҳам айнан шунга ўхшашдир. Бу ҳолат –реалликва ҳис этиш билан етишиб бўладиган белгиларнинг мавжуд бўлмаслигига қарамай, эришиш объектининг олий даражадаги ўзга мавжудлик ўлчовларини(сифат ва миқдорида кўра) қамраб олиши белгилар операцияси дан гувоҳлик беради. Бўшлиқ рамзий характерда бўлиб, доимо муайян маънога эгадир». Яъни образ ўзи англатиши керак бўлган, ижодкор унга юклаган маънодан кўра кўпроқ маънони ифодалаши мумкин экан⁵.

Албатта, образ ижодкорнинг унга юклаган маъносини сақлаб қолади, аммо бошқа маъноларни ҳам англатаверади. Образ замиридан бошқа маъноларни чиқариш ҳам мумкин бўлади. Шу нуқтаи назардан автор яратган образ замиридаги (образ (а) маънолар уни қабул қилувчи реципиент образидан (образ(р) кўра кичик, бироқ, айна пайтда тенг ҳамдир:Образ (а) < образ (р)Бу ўринда тенглик аломати ижодкор образга юклаган маъно билан уни талқин этувчи англаган маънонинг айнан бир хил келиши мумкинлиги ҳолатини билдиради. Масалан, Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги Мажнун образи муаллиф талқинида «Ҳақ ошиғи» тарзида берилган бўлса (образ (а)),достонни ўқиган китобхон «исёнкор шахс», «пессимист жафокаш», «хаёлпараст одамови», «сентиментал шахс», «индивидуалист дарвеш» ва ҳоказо маъноларни(образ (р)) англатиши мумкин. Бироқ, Навоий қаҳрамонига юклаган маъно ҳам яшаб қолаверади. Бу жараёнда шуни ҳам унутмаслик лозимки, «матн ўқувчига уни турли вариантларда тушуниш учун асосий «программа»ни ҳавола этади, лекин бу матн талқинида зўракиликка йўл қўйишни англамайди».

Бадиий асар ҳам образларни қўллаш асосига қурилишидан келиб чиққан ҳолда, кўп маънолилиқ касб этади. Шаклан тугал бадиий асар мазмунан

⁵ Gadamer H.G. Truth and Method. Continuum Publishing Group, 2004.P.122.

туганмасдир. Бадиий асарга хос бундай хусусият уни талқин этишда алохида аҳамият касб этади. Интерпретация жараёни бўлса бир неча бўғинларни камраболади. Булар: воқелик(1), автор, бадиий асар, реципиент, воқелик (2).

1. Воқелик(1)– бадиий асар учун авторга материал берувчи асос.
2. Автор – воқеликни акс эттирган шахс.
3. Бадиий асар – воқелик акс этган автор ижодининг намунаси.
4. Реципиент – асарни талқин қилувчи шахс.
5. Воқелик(2) – реципиентнинг асарни ўқиш жараёнидаги солиштираётган муҳити.

Ушбу жараёндаги энг ўзгармас бирлик бадиий асардир. Чунки воқелик ўзгариб туради, айти пайтда, автор ва реципиент ҳам айтиқса, реципиент ва унинг воқелигидаги ўзгаришлар бадиий асарни талқин этишда хилма-хилликка олиб келади. Бу жараёнда энг асосийси икки бўғин: бадиий асар ва реципиентдир. Улар орасидаги муносабат интерпретацияни туғдиради. Интерпретация жараёни инсоннинг тушуниши билан боғлиқ ҳодисадир. Тушуниш муайян нарсанинг онгдаги талқинидир. Тушуниш, «коммуникациянинг яқунловчи босқичи бўлиб, у иждодий акт, авторнинг ўзлиги ифодаси, муайян турдаги фаолиятда ўзликни намоён этиш, матндаги иборалардан бошланади. Булар фикр, ҳиссиёт, мақсад ва ахборотни коммуникатордан реципиентга етказиш учун хизмат қилади. Ушбу жараёнда турли мураккабликлар мавжуд».

Бадиий матнни тушунишда матн замиридаги маъно ва унинг автори айтмоқчи бўлган фикр, ғояни ўқиб олишга интиламиз. Бироқ муаллиф минг ҳаракат қилса-да, матнда ўз фикр, қарашларини юз фоиз ифодамай олмайди. Айти пайтда, иждокор айтмоқчи бўлган гапдан кўра кўпроқ нарса, унинг ўзи англамаган ҳолда матнда акс этиб бориши мумкин.

Матнни тушуниш жараёнида реципиентга ҳам кўп нарса боғлиқ бўлиб, у дунёқарашни даражаси, замонасининг маданий анъаналари, қадриятлари

доирасида матнни талқин этиб, ундаги фикрларни уқиб олади. Матн яратилган даврдагимаданий муҳит хусусиятлари матнда ўз аксини топади. Ўқувчи матн яратилган муҳитга қанчалик яқин бўлса, шунчалик уни тушуниши ва қабул этиши осон кечади. Лекин баъзилар буни тескари талқин қиладилар⁶.

Шахсининг индивидуал онги муайян даврдаги ижтимоий борлиқ, кадриятлар ўлчови, маданий анъаналар ва ушбу шахс мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ билан боғланади (бадий матнни ўқиш ва уни талқин этиш – матн билан муносабат жараёнини диалог, деб атаган М.Бахтин бу алоқада икки томон (асар ва реципиент) ўзлигини сақлаб муносабатга киришади, дейган).

Бадий матн билан мулоқотга киришган индивид ўз онгидаги мавжуд информация билан матндаги мазмун ифодаловчи бирликларни солиштириб бориб, матнни талқин этади. Унинг маъносини ўзи тушунган даражада чиқаради. Англашдан фарқли ўлароқ бадий матнни тушуниш ўқувчининг маданий фаолияти, тажрибаси билан боғланади.

Ижодкор – бадий матннинг яратувчиси унга ўз фикрларини муайян ният асосида, оҳанглар воситасида сингдиради. Лекин, бу оҳанг, шакл воситасида ўқувчига етказилаётган маънони китобхон ўзича тушунади. Ўқувчинингсавиясига қараб асардан аниқланадиган маънолар ўзгариб туради. У ўзининг ҳаётини ва бадий тажрибаси билан худди шуларни асарига сингдирган муаллифнинг асарини бойитади. Ижтимоий ҳаётнинг тез ўзгариши оқибатида асарни тушунишда ҳам ўзгаришлар бўлиши мумкин⁷.

Бадий асарни тушуниш ва талқин этишда умумийлик(тарихийлик), хослик (рецепцион гуруҳ) ва хусусийлик (ўқувчи шахсияти) ўзига яраша ўринга эга. Умумийлик (тарихийлик) йўналишида бадий асарни талқин этишда муайян тарихий даврга тегишли ялпилик мавжуд бўлади.

⁶ Gadamer H.G. Truth and Method. Continium Publishing Group, 2004.P.144.

⁷ Gadamer H.G. Truth and Method. Continium Publishing Group, 2004.P.182.

Назорат саволлари:

1. Герменевтика нима?
2. Шарқ ва ғарб герменевтикасининг умумий ва хусусий жиҳатлари?
3. Герменевтика ва экзегетика ўртасидаги боғлиқ тушунчалар ҳақида маълумот беринг.
4. Фалсафий ва адабий герменевтика ўртасидаги муносабат нималардан иборат?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Гадамер Х.Г. Актуальность прекрасного. М.: Наука, 1991.
2. Gadamer H.G. Truth and Method. Continium Publishing Group, 2004.
3. Герменевтика: история и современность. М., 1985.
4. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи: Биринчи китоб. Т:Ёзувчи, 1996.
5. Контекст: литературно-теоретическыеисследования. М., 1989; 1990; 1991.
6. Рикёр П. Герменевтика, этика, политика. М.: Наука, 1995;
7. Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV – XX аср манбалари. Филология фалари доктори диссертацияси. Тошкент, 1998.

2- маъруза.

Герменевтика ва шарқ тафаккури

Режа:

- 1. Герменевтиканинг шарқ тафаккуридаги ўрни.*
- 2. Герменевтиканинг шарқ адабиётисидаги ўрни.*
- 3. Герменевтика ва ўзбек адабиёти.*

Таянч иборалар: шарқ ва ғарб адабиёти, герменевтик таҳлил, ўзбек адабиёти ва герменевтика

Басар талқинларининг кўплиги ҳақиқатнинг чексизлиги, ҳар бир шахс ва даврга хос ҳақиқат нисбий, ўзига хос эканлиги билан белгиланади. Шарқ адабиётидаги машҳур ва Навоийнинг «Лисонут тайр» достонида ҳам келтирилган кўрлар ҳақидаги ҳикояни эсланг: Ҳиндистонга бориб фил ҳақида уни ушлаб тасаввур олган кўрлардан фил қандай экан деб сўраганида, бири у гумбаз, бири у катта тиш, бири у дум, бири у катта елпиғич деб жавоб беради. Уларнинг фикрлари нотўғри бўлмай, бу таассуротларни бир ерга тўпласа, ягона бир фил ҳосил бўлиши мумкин эди. Фил ҳақиқат рамзидир. Кўрлар эса инсонлар. Навоий айтмоқчи, инсонлар ҳам ҳақиқатни ўз билганларича талқин этадилар. Фил ва уни ушлаб билганларни бадий асар ва рецепиентга ўхшатиш мумкин. Рецепиент фикри асар маъносининг қайсидир қиррасини акс эттиради ва ҳеч қачон, у қанчалик истамасин, сўнгги қараш бўла олмайди. Фанда мавжуд бу

хулоса бадий асарни кенг ва турли жиҳатдан талқин қилиш мумкинлигига йўл очарди⁸.

Мен Навоий “Хамса”сини ўз объектим қилиб олдим ва унга герменевтикани боғлашга уриндим. Мен учун энг асосийси - ўлкамизга ғарбона қарашлар кириб келмасидан олдинги даврда Навоий асарлари қандай қабул қилинганлиги, талқин этилганлиги ва бу асарларга китобхонларнинг шарқона муносабат мавжуд бўлганлигини аниқлашдан иборат эди. Масалани бу тарзда қўйишни истаганим бежиз бўлмаган. Мен ғарбда таълимот сифатида пайо бўлган герменевтика ва унинг тармоқларидан бири бўлган адабий герменевтиканинг шарқдаги асослари ва улар тарихини излаш, шарқ адабий талқинчилигининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш орқали биздаги бу йўналиш илдишларини очиб беришга уриндим.

Навоий асарлари талқинида даврий чегара қўйиш мумкин. Навоий ва умуман ўтмишда, шарқона муҳитда яратилган ҳар қандай асарга ёнашувда шартли тарзда оладиган бўлсак, икки давр мавжуд эди:

1. Навоий “Хамса”си яратилганидан (1485 йил) то бадий асарларга ғарбона ёндашув бошланган, тахминан XX асрнинг 30-йилларигача бўлган босқич.

2. Тахминан XX асрнинг 30-йилларидан ҳозиргача бўлган босқич.

Бу икки босқични асар яратилган муҳит руҳиятини билиш нуқтаи назаридан ажратиланди. Аслида, фақат биринчи босқичгина диссертациям объекти бўлган. Айни босқичлардаги ўзига хос хусусиятларни кўрсатиш учун бир мисол келтирайлик. Масалан, бир саволни ўртага ташлаш мумкин: Америкадаги ўрмонни ким яхшироқ билади? Бу ўрмонда яшовчи ҳиндуми ёки шу ўрмон бўйича Европада китоб ёзган олимми? Албатта, мутахассис олим кўп билими, аниқроғи, мантиқий билими билан ҳиндудан кўра кўпроқ нарса билиши аниқ.

⁸ Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. American Slavic and East European Review. Vol.16.№ 2, P.154.

Аммо шу ўрмонга бориб, хиндулар билан ўрмонни кезганида ўзи яхши сезмаган кўпгина хусусиятларни билиб олади. Чунки ўрмонда туғилиб ўсган хинду ўрмонни китобдек ўқий олади. Унда мантиқий билимдан кўра сезги, интуиция етакчилик қилади. Бундай рухий ва ҳиссий маълумотга эсаевропалик олим эга эмас. У ўрмонни кўп йиллар кезган, ўрганган бўлса ҳам, хиндудек унинг бир қисмига айланмаган. У ўрмонни мантиқий билим билан била олади. Демак, олим ва хиндунинг ўрмон ҳақидаги билимлари алоҳида-алоҳида йўналишда бўлиб, бир-бирларини тўлдиради⁹.

Шарқ адабиёти ва маданиятини ўрганувчи, унга муносабатда бўлувчи ўзбекларнинг XX асргача бўлган қисмида ўша хиссий билиш етакчилик қилган. Улар ана шу шарқона муҳит руҳиятида ўсиб туриб Шарқни ўзига хос тарзда англаганлар. Лекин кейинчалик ундан узоқлашган. Шу ўринда яна бир ҳолатни таъкидлаш керакки, биз Навоий «Хамса»сининг ўзбек адабиётшунослиги ва муҳитида бугун ва ўтмишда қабул этилиши тўғрисида гапирмоқдамиз. Ҳозирги пайтдаги Шарқ маданиятининг бизлар томондан қабул этилиши бўлса, юқоридаги мисолдаги европалик олимниқидан фарқ қилади. Чунки биз «Хамса»га ёндашув ҳақида гап кетганида, асосан, ўз регионимиз - Ўрта Осиёни асос қилиб олдик ва агар мисол бўйича тушунтириш керак бўлса, бугунги талқин этувчи ўзбеклар бу ўрмонда яшаган хиндунинг шаҳарга кетиб қолган вакилларига ўхшайди. Чунки ўрмонни тарк этиб шаҳарда яшаб қолган хиндунинг авлодлари энди ҳиссий билимдан, муҳитдан узоқда туриб ўрмонни биладилар. Аммо улар ўз авлодларидан сақланиб қолиб, қондан-қонга, руҳиятдан кўчувчи аллақандайдир сезгиларни ҳам аждодларидан қабул қилиб оладилар.

Шу маънода улар ўрмонда яшовчи хинду билими билан европалик олим ўртасида, икки томонни бирлаштириш даражасида ўрмонни биладилар. Замонавий ўзбеклар ҳам ўз классик адабиётларини бугунги кунда манна шундай позиция - ўтмиш муҳитидан қисман узилган бир шароитда биладилар. Лекин уларда ўзлари шарқлик бўлганликлари учун руҳият ва маънавиятда сақланган

⁹ Gadamer H.G. Truth and Method. Continuum Publishing Group, 2004.P.221.

меросий хусусият ва европача маданиятни қисман бирлаштирган ҳаёт тарзи кузатилади. Шу билан улар шарқшунос ғарбликлардан фарқ қиладилар¹⁰.

Талқин этувчининг қай маданий муҳитга даҳлдор эканлиги билан боғлиқ бу масалага чуқур кирмаган ҳолда шуни таъкидламоқчимизки, Шарқни билишда ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда учта гуруҳ намоён бўлмоқда:

1) шарқликларнинг ўзи (асосан, XX асргача);

2) Ғарб билан Шарқ бирлашган территориядаги шарқликлар(асосан бизнинг асримиз);

3) ғарбликлар (шарқшунос – ориенталистлар).

Биз ўз диссертациямизда асосан биринчи гуруҳга эътибор қаратгандик. Аслиғарблик шарқшуноснинг иккинчи гуруҳдагилар билан яқинлиги сезиларли бўлса-да, бу масалага чуқурроқ кирмаймиз. Қисқаси, юқоридаги фикрларнинг барчаси XX асргача бўлган талқинлар, муайян руҳиятга эга муҳит мавжуд бўлганлигини кўрсатиш ниятида келтирилди. Шарқда талқин манбалари сифатида тафсир, турли асарларга ёзилган шарҳлар мавжуд бўлган бўлса да, уларан ташқари бадий асарнинг ғарбдаги бевосита кўзга ташланиб турувчи (асарга тақриз, асар таҳлили ва бошқалар) талқинларидан ташқари талқин манбалари ҳам мавжуд бўлган. Уларни биз Навоий “Хамса”сининг XV – XX аср бошларидаги турли манбалардан изладик¹¹. Шарқда бадий асар талқиннинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини кўрсатмоқчи бўлдик.

Шу мақсадда Навоий «Хамса»сининг XX асргача бўлган даврдаги талқини манбаларини таснифлаш, бу жараёнда ана шу даврни кейингиларидан ажратувчи томонларига ҳам эътибор қилишга тўғри келади. Биз диққатимизни қаратган давр – Навоий «Хамса»си яратилганидан XX аср бошларигача бўлган ораликни масаламиз нуқтаи назаридан яхлит бир босқич сифатида олиб ўргангандик. Бизнинг бош мақсадимиз шарқона талқинни кўрсатувчи асос – манбаларни

¹⁰ Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. American Slavic and East European Review. Vol.16.№ 2, P.132.

¹¹Маълумки, Навоий “Хамса” асари 1485 йили ёзиб тугалланган ва беш куйидаги дostonдан иборат: “хайрат ул-аброр”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъан сайёр”, “Садди Искандарий”.

аниқлашдан иборат бўлганди. Навоий «Хамса»си талқини, ҳар қандай асар талқинида учраши мумкин бўлганидек, уч хил томондан талқин этилган. Булар:

А) муаллифнинг ўзи (Навоий);

Б) замондошлар (масалан, Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Хондамир);

В) кейинги давр кишилари (масалан, Бобур, хаттотлар, китобхонлар, ноширлар ва бошқалар).

Кейинги икки гуруҳни ўз ичида яна қисмларга ажратиш мумкиндир. Бироқ, биз талқинни ташувчи шахс ва гуруҳларни эмас, талқиний информацияга эга манбалар – талқиний манбаларни ўрганишга эътибор қаратиш мақсадида бўлганмиз. Бу маълумотлар қуйидаги манбаларда жойлашган:

1. Навоий «Хамса»си.

Навоийнинг бу асари маълумки, беш дostonдан иборат. Уларни ёзиш жараёнида Навоий ўзидан аввал ёзилган Низомий Ганжавий ёки Хусрав Дехлавий «Хамса»лари ва умуман, хамсанавислик анъанасига тўхталади. Унинг шу фикрларини ўзи яратган “Хамса” таркиби, анъанавий мавзуларнинг ишланиши билан солиштириш орқали бу асар талқинига оид фикралар ҳам юзага чиқади.

2. Дostonларнинг кириш қисмида:

А) хамсачилик анъанасидаги асарлар (Жомий, Хожа,..).

Навоий “Хамса”си билан бир вақтда ёки ундан кейин ёзилган “Хамса”ларда Навоий бешлигига муносабатлар ҳам ўрин олганки, уларни ҳам биз талқини манба сифатида баҳолай оламиз.

Б) бу анъанадан ташқаридаги асарлар (Нишотий). Бунда хамсанавислик анъанасига кирмаган, аммо Навоий “Хамса”сига нисбатан мулоҳазаларга эга асарлардаги қарашларга эътибор қаратилади. Булар жумласига, масалан, Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” дostonидаги фикраларни киритиш мумкин.

3. Тазкиралар.

Шоирлар таржима ҳоли ва ижоди ҳақида қисқача маълумот беришга мзлжалланган асарлар бўлмиш тазкираларда Навоий “Хамса”си ҳақида фикрлар билдирилган ўринлар учрайди. Булар сирасига Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш шуаро» (1486 йили ёзилган) ҳамда Сом Мирзо Сафавий «Тухфаи Сомий» тазкираларини киритиш мумкин.

4. Тарихий асарлар.

Уларда ҳам йўл-йўлкай Навоий асарлари, жумладан “Хамса”сига баҳо оид фикрлар берилади. Бундай тарихий асарлар сирасига Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ», Абдулмўминхоннинг «Том ут-таворих» ва Мир Саид Шариф Роқимнинг «Тарихи Роқимий»си кабиларни киритиш мумкин¹².

5. Илмий асарлар.

Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» номли илмий асарида ўз “Хамса”си дostonларига асос бўлган ва ўзидан аввалги ижодкорлар томонидан яратилган дostonлар кўрсатиб ўтган. Улар контекстида Навоий дostonлари талқинига янгича қараш мумкин бўлади. Навоий “Хамса” сига оид фикрлар келтирилган илмий асарлар сирасига Бобурнинг аруз вазни назарий масалаларига бағишланган «Мухтасар» рисоласини ҳам киритиш мумкин.

6. Мемуар асарлар.

Ҳусайн Бойқаронинг «Рисолаи Хусайний» ва Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарларини мемуар асарларга киритиш мумкин. Уларда кўпроқ Навоий бешлигига оид баҳолашлар берилган.

7. Навоий «Хамса»си қўлёзмалари.

Навоий «Хамса»си ёки унинг таркибига кирган дostonларнинг қўлёзмаларда (тўлиқ беш дoston ёки айрим дostonлар) келтирилиши заминидан ҳам бу асарга муносабат ётади. Масалан, турли даврларда “Хамса”даги айрим дostonлар ўқувчиларга бир хил таъсир қилмаслиги ва муман, бешликнинг айрим

¹² Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. American Slavic and East European Review. Vol.16.№ 2, P.183.

достонларига эҳтиёж пайдо бўлиб, фақатгина бир ёки бер неча достон кўлёзмада келтирилган ҳолатлар учрайди.

Масалан, 1811 йили Навоий «Хамса»си тўлиқ ҳолда Қўқон хонлиги ҳукмдори Амир Умархон (1810-1822) фармони билан яхлит ҳолда кўчирилган¹³. Кейинчалик бўлса, яна амир Умархон буйруғи билан 1824 йили бешлик қайта кўчирган, аммо бу сафар кўлёзмада «Хамса»даги «Ҳайратул аброр» достони ўрнига «Лисонут тайр» достони қўйиб китобат этилган. Навоий достонларининг бундай тарзда жамланган нусхалари кам учрайди. Демак, Умархон истаги асосида, биринчи достон «Ҳайратул аброр»га нисбатан, Навоий фалсафий фикрларини умумлаштирувчи, умрининг охирида ёзилган олтинчи достон орқали «Хамса»га кириш тавсия этилмоқда. Амир Умархон қарашлари, талабларида ҳам муайян ўзгаришлар бўлган кўринади. Бунинг замирида эса муайян қараш, Навоий ижоди, «Хамса»сини XIX аср биринчи чорагидаги тушуниш ва қабул қилиш ётади. Ёки «Хамса»нинг «Лисонут тайр» билан китобат этилган нусхаларининг мавжуд бўлиши бу асарни олтинчи достон сифатида тақдим этилишидан ташқари, Навоий фалсафаси, дунёқарабини шу тўплам воситасида яхлит ҳолда ўқувчиларга тақдим этилишидан ҳам келиб чиққандир. «Хамса»нинг «Маҳбубул қулуб» билан бирга кўчирилган кўлёмаларидан ҳам принципда ана шундай йўналишдаги мақсад кўзда тутилган: Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини жамловчи асар – «Маҳбубул қулуб»ни бешлик билан бир ўринда бериш орқали Навоий дунёқараши, ижтимоий-сиёсий фикрлари тўғрисида яхлит тасаввур берилмоқчи бўлинган¹⁴.

Кўлёмза орқали асар ёки унинг таркибига муносабат билдиришга яна бир мисол. Навоий «Хамса»сидаги «Ҳайратул аброр» достони тақрибига кичик ўзгартириш киритилган ўрин мавжуд: ушбу достон сўнгида Навоий ўзининг бу асарни яратиши ва унда айтилган фикрлари кескинликка йўйилмаслиги учун

¹³Мадаминов А., Ҳақимов М., Сотволдиев С. Қўқон Адабиёт музейи фондида Алишер Навоий асарларининг кўлёмалари // Адабий мерос. 1991, (3)57. 13-бет.

¹⁴ Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. American Slavic and East European Review. Vol.16.№ 2, P.225.

оёғи тойиб йиқилиб шоҳ бошига ош тўкиб юборган қул ҳақидаги ҳикоятни келтиради (64-боб). Шоир камтарлигининг бадий ифодаси бўлмиш бу ҳикоятнинг тўртта қўлёзмада тушириб қолдирилганлигини кузатиш мумкин.

Навоий, мен дostonдаги фикрларим билан ўқувчиларга нисбатан қулнинг ҳолатидекман, демокчи бўлган. Навоийдек саройга яқин бўлмаган котиблар ҳукмдор билан боғлиқ бундай ҳикоятни ўзлари кўчирган нусхаларга киритмай кўя қолганлар. Демак, қўлёзмалар ҳам асар матнига нисбатан талқиний манба бўлар экан.

8. Луғатлар.

Шарқ филологик илмида луғатчилик алоҳида ўринга эга. Муайян бадий асарга тузилган луғат шу асар маъносининг тушунарли бўлиши учун хизмат қила олди. Навоий асарларига тузилган луғатлар, асосан, икки тилли бўлиб, улар воситасида ўзга тилдаги аудиторияга Навоий меросини тушунтириш ният қилиб олинган. Булар жумласига қуйидаги луғатларни киритиш мумкин: «Бадоеъул луғат» (XVI аср), “Санглоҳ”, Мирза Махдихон тузган (1760 й.), «Китоби луғати атрокийя», Фатҳ Алихон тузган (1862 й.), «Фарҳанги ҳазрат мир Алишер мулаққаб ба ал Навоий» (1849 й.).

Навоий «Хамса»си ёки унинг алоҳида дostonларига ёзилган луғатлар қаторига қўлёзмадаги асар матни атрофига, хошияларга ёзилган луғатларни киритиш мумкин. Бундай луғатларда матндаги бир қисм сўзлар айна ўринда изоҳлаб кетилаверади. Масалан, 1845-1848 йилларда кўчирилган қўлёзмада номаълум шахс томонидан «Хамса»нинг уч дostonи – «Сабъаи сайёр», «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Садди Искандарий»ларда учраган қийин сўзларни тушунтириш учун шундай луғат яратилган. Бундай луғатлардан мақсад асар мазмунини китобхонга яқинлаштириш бўлган.

9. Насрий баёнлар.

Навоий “Хамса”сини китобхонларга яқинлаштиришга бўлган интилиш бу асар дostonларининг насрий баёнга айлантиришда ҳам кузатилаи. Масалан,

Умар Боқий Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» дostonларининг насрий баёнини оддий халқ учун тушунарли бўлган содда ва рагон тил билан ифодалаб, биринчидан халқ манфаатини кўзласа, иккинчидан, бу асарларни ўша даврда Хоразмда хонлик қилган ағайи Авазбекка (1790-1804) ҳадя қилиб унинг ҳурматини қозонади. Бундан ташқари Умар Боқий асарни оммага мос қизиқарли нарсага айлантирган. Бунда Навоийнинг кўрсатилган икки дoston халқ эртаги кўринишида китобхонга тақдим этилган¹⁵.

Бошқа бир мисол: XX аср бошида Навоий «Хамса»сининг «Ҳайратул аброр»дан бошқа дostonлари насрий баёни амалга оширилиб, 1908 йили «Хамсаи беназир» ёки «насри «Хамса» номи остида Тошкентда литографик усулда нашр этилган. Нашр бошидаги кириш сўзида насрий баён муаллифи замонмиздаги аксар одамлар шеърий асарни қабул қилишда ожизликка эгалар. Шунинг учун шеърий асарни насрий кўринишга ўгириб бердик, дейди. Демак, насрий баён этувчи омманинг шеърий асарни тушунишдан ожизлигини ҳисобга олиб, насрий баёнга киришганлигини таъкидламоқда. Халқ учун бадий асарни насрий баён этиш, яъни соддалаштириш ҳодисаси XX аср бошига ҳам хос бўлган кўринади. Насрий баён ҳам асар матнига нисбатан ўзига хос ёндашуви билан талқин турларидан бтири бўла олади.

10. «Хамса»га ишланган миниатюралар.

Бунда Навоий бешлиги таркибидаги дostonлардаги айрим лавҳалар бадий тасвир орқали талқин этилади. «Хамса»даги воқеа ва образлар бошқа санъат туридаги образлар тилига (миниатюра) ўгирилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда миниатюралар ҳам ўзига хос талқиний манба бўла олар экан.

Биз бу манбалардан «Хамса» талқинига доир маълумотларни олишимиз мумкин. Кўриниб турганидек, бу манбалардаги талқинлар ўз характериға кўра турличадир. Масалан, қўлёзмалардаги талқин асосан китобат этувчи ва котиб томонидан амалга оширилади. Китобат этиш жараёнида «Хамса» яхлит ёки

¹⁵ Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. American Slavic and East European Review. Vol.16.№ 2, P.262.

бирор қисми туширилган тарзда берилиши ёки асрлар давомида бу бешликни кўчириш жараёнида котиб буюртмачи ёки давр эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ҳатто, ўз нуқтаи назари асосида матнга нисбатан муайян муносабатда бўлиши, уни маълум даражада ўзгартириши мумкин. Шуниси диққатга савзворки, кўриб ўтганимиз талқинлар жараёнида бир одам ёки кўпчилик иштирок этиши мумкин экан. Айти жиҳати билан бу талқинлар, қайсидир даражада, социология, библиопсихологияга каби соҳаларга ҳам хизмат қилиши мумкин экан.

Биз ўрганаётган даврдан кейин – ўтиш даври ва янги замон талқинларининг манбалари янги даврга хос манбаларга алмашинади. Масалан, «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1880 йил 9-сонида Навоий ҳақида дастлабки мақола ёзилди. Аста-секин бошқа мақолалар ёзила бошланди, XX асрдан бошлаб, «Хамса» дostonлари асосида драмалар яратилди, ўзбек адабиётшунослик фани, унинг алоҳида тармоғи – навоийшунослик вужудга келди. Диссертация, монография, рисоалар, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар яратилади. Буларнинг барчаси Навоий «Хамса»сининг янги даврдаги талқини манбалари бўла олади. Мана шу манбалардан тортиб кейинги йиллардаги Навоий бешлиги айрим дostonларининг тасаввуфий талқинига бағишланган тадқиқот ва мақолаларни ва XX аср биринчи чорагидан кейин яратилган бошқа юзлаб тадқиқотларни кейинги босқич талқини сифатида қабул этиш мумкин. Аммо бизнинг мавзуимиз объектига улар кирмаганлиги боис бу манбаларни биз тадқиқотимизда махсус ўрганмадик. Бу иккинчи босқич ҳақидаги умумназарий фикрларимиз мавзуимиз объекти бўлган давр хусусиятларига ойдинлик киритиш учунг қиёс сифатида келтирилди. Албатта, бизнинг фикрларимиз, даврлаштиришимиз нисбий бўлиб, Навоий «Хамса»си талқинларидан келиб чиқиб амалга оширилди. Ўзбек классик адабиётини қабул қилишда бу даврлаштиришни кенгрок ўрганиш лозим¹⁶.

¹⁶ Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. American Slavic and East European Review. Vol.16.№2, P.285.

Назорат саволлари

1. Адабий герменевтиканинг адабиёт, санъат ва фан ўртасидаги ўрни қандай?
2. Герменевтиканинг шарқ тафаккуридаги ўрни қайси жihatларда акс этади?
3. Герменевтиканинг шарқ адабиётидаги ўрни ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
4. Герменевтиканинг ўзбек адабиётидаги ўрни ҳақида нималарни биласиз?

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Гадамер Х.Г. Актуальность прекрасного. М.: Наука, 1991.
2. Gadamer H.G. Truth and Method. Continuum Publishing Group, 2004.
3. Герменевтика: история и современность. М., 1985
4. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи: Биринчи китоб. Т:Ёзувчи, 1996.
5. Контекст: литературно-теоретическоеисследования. М., 1989; 1990; 1991.
6. Рикёр П. Герменевтика, этика, политика. М.: Наука, 1995;
7. Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV – XX аср манбалари. Филология фалари доктори диссертацияси. Тошкент, 1998.
8. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. Тошкент, 2013.

3- маъруза .Жаҳон навоийшунослиги ва унинг тараққиёт тамойиллари

Режа:

1. Ўзбек навоийшунослиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Жаҳон навоийшунослигининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Жаҳон навоийшунослиги ва унинг тараққиёт тамойиллари

Таянч иборалар:жаҳон навоийшунослиги, жаҳоний тафаккур, илғон тамойиллар, Навоий ва жаҳон

Навоий асарлари XVI асрлардаёқ Европада маълум эди. 1557 йилда италян тилида Венецияда нашр этилган табризлик арман ёзувчиси Христофор Табризийнинг “Сарандиб шоҳининг уч ёш ўғлони зиёрати” асарининг иккинчи қисмида Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидан олинган Баҳром ва Дилором саргузашти баён қилинади. Шунингдек, XVII аср грузин шоири Цицишвили Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонини ижодий таржима қилиб, “Етти гўзал” достонини яратади.

1697 йилда француз олими Артолеме д’Ербело “Шарқ кутубхонаси” номли энциклопедияда Навоий таржимаи ҳоли ва асарлари номини келтирса, шарқшунос Сильвестре де Саси (1758-1838) ўз тадқиқотларида Алишер Навоийнинг шоир ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятига тўхталиб ўтади.

XIX асрга келиб, Европада Алишер Навоий асарлари ва унинг асарлари асосида тузилган луғатларни нашр этиш ишлари бошланади. Француз шарқшуноси Катрмер 1841 йилда Парижда Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” ва “Тарихи мулуки ажам” асарларини нашр эттиради. Рус олими И.Н.Березин

Ўзининг “Турк хрестоматияси” номли китобига шоир асарларидан парчалар киритади.

Рус шарқшуноси В.В.Вельяминов-Зернов 1868 йилда Алоий бинни Муҳибийнинг “Ал луғат ун-Навоият вал-истишҳодат ул-чиғатоият” (“Навоий луғати ва чиғатой тили далиллари”) луғатини Санкт-Петербургда нашр эттиради. Француз шарқшуноси Паве де Куртейл эса Навоий асарларидан фойдаланиб, луғат тузади.

Ғарбда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини илмий аспектда ўрганиш XIX асрдан бошланган деб айтиш мумкин. 1818 йилда немис олими Х.Пургшталл “Навоийга оид битиклар” асарини яратиб, унда Алишер Навоийнинг насл-насаби, шоирлик, давлат арбоби ва бунёдкорлик ишларига тўхталиб ўтади. Рус шарқшуноси П.Савельев 1835 йилда шоир ижодига бағишлаб махсус “Алишер Навоий” номли мақола ёзади.

1856 йилда М.Никитскийнинг “Эмиръ Низам-Эд-Динъ-Али Ширъ. Государственном и литературном его значении” (“Амир Низомиддин Алишер: давлат арбоби ва шоир сифатида”) номли шоир ижодига бағишланган илк магистрлик диссертацияси вужудга келади. М.Никитский Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини анча тўлиқ ўргангани, унинг шоир, олим ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятига юқори баҳо бергани ҳолда Шарқ мумтоз адабиётидаги ижодий анъаналарни англаб етмагани учун Алишер Навоийни “форс-тожик адабиётининг таржимони” деб эълон қилади¹⁷.

Айнан шу тарздаги ғайриилмий қарашлар француз шарқшунослари М.Белен (“Алишер Навоий”,1868), Э.Блоше “Миллий кутубхонада сақланаётган туркий қўлёзмалар каталоги”, Л.Бува (“Темурийлар даври цивилизациясидан лавҳалар”,1926; “Мўғул империяси”,1927), инглиз шарқшуноси Э.Браун (“Татар хонликлари давридаги форс адабиёти тарихи”,1920) , рус шарқшуноси В.Бартольдларнинг тадқиқот ва илмий мақолаларида давом эттирилди. Хусусан, В.Бартольд ўзининг “Мир-Али-Шир и политическая жизнь” (“Мир Али Шер ва сиёсий ҳаёт”) мақоласида Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига

¹⁷ Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. American Slavic and East European Review. Vol.16.№ 2, P.275.

ижобий баҳо беради, лекин унинг адабий мероси моҳиятини англаб етмайди. Олим мазкур мақолада: “*Алишер Навоий ўзининг девонларида ва бошқа кўплаб бадиий асарларида фақатгина форсий шоирларнинг тақлидчиси сифатида намоён бўлади*”, – деб ёзар экан, масалага адабиётшунос эмас, балки тарихчининг нигоҳи билан ёндашади ва ҳар бир деталда аниқлик, мантиқ, реаллик ва конкрет воқеликни кўрмоқчи бўлади¹⁸.

Аслида эса Мусулмон Шарқида иждокорнинг салоҳияти Ғарб адабиётидагидан фарқли равишда янги сюжет яратишига қараб эмас, балки анъанавий воқелик, мавзу, қаҳрамонлар доирасида янги фикр айта олиш иқтидорига қараб белгиланган. Айнан мана шу анъанавийликни англай олмаслик юқоридаги олимларнинг Алишер Навоий ижодига ноҳолис баҳо беришларига олиб келган.

Ниҳоят шарқшунос олим Е.Э.Бертельс Алишер Навоий ва Фаридиддин Аттор дostonларини қиёсий ўрганиш орқали (“Навои и Аттар”) ҳазрат Навоийнинг оригинал шоир эканлигини исботлайди. Шу тариқа Алишер Навоий ижодини хорижда кенг илмий аспектда холис ўрганиш ишлари бошлаб юборилади¹⁹.

2015 йил 9 февралда Эрон Ислom Республикасининг Фирдавсий номидаги Машҳад Университетида “Амир Алишер Навоийнинг тафаккури, мероси ва башариятга хизмати” номи остида халқаро илмий-амалий конгресс бўлиб ўтди. Конгрессда дунёнинг турли мамлакатларидан келган навоийшунос олимлар ўз илмий маърузалари билан қатнашдилар. Анжуман қатнашчиларининг илмий маърузалари алоҳида тўпламга жамланиб, унда 300 га яқин мақола чоп этилди.

Немис олими А.Курелланинг “Буюк шоирнинг қайта кашф қилиниши” номли тадқиқоти ғарб навоийшунослигида янги босқични бошлаб берди. Ушбу тадқиқотдан сўнг Ғарбда Навоий шахсияти энди икки йўналишда: ҳам буюк

¹⁸ Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. American Slavic and East European Review. Vol.16.№ 2, pp. 202-205.

¹⁹ Toutant Marc. The last Timurids's Culture: Study of Imitation Practice through the case of Alisher Navai (1441-1504)'s Khamsa, 2014

ижодкор, ҳам давлат арбоби сифатида тадқиқ қилина бошланди. Инглиззабон олимлардан М.Сабтелни, В.Фельдмен, Д.Генчтурк, Д.Девин, К.Адахл, Г.Дикнинг илмий изланишлари ва таржима борасидаги фаолиятлари, Берлин шаҳрида Алишер Навоий ижодига бағишлаб аввал симпозиум, 2016 йилнинг февралда эса “Алишер Навоий ва унинг жаҳон адабиёти ҳамда маданиятига қўшган ҳиссаси” мавзуида халқаро конференциянинг ўтказилиши ва унда юздан зиёд расмий, ижтимоий-маданий, илмий-академик доира вакиллари, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан шарқшунос олимларнинг иштирок этиши ғарб навоийшунослигининг тобора ривожланиб бораётганлигидан далолатдир²⁰. Мазкур конференцияда юртимиздан таниқли шоир ва ёзувчи М.Али, филология фанлари докторлари, навоийшунос олимлар Ш.Сирожиддинов, А.Эркинов ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Буларнинг барчаси бугунги глобаллашув жараёнида Алишер Навоий ижоди ва шахсига бутун дунёда қизиқиш ва эҳтиёжнинг ортиб бораётганини кўрсатади.

Назорат саволлари

1. Жаҳон навоийшунослиги тарихи ва тараққиёт босқичлари ҳақида маълумот беринг.
2. Дунё навоийшунослигининг ютуғи ва камчиликлари нималарда акс этади?
3. Шарқ ва ғарб навоийшунослиги ўртсидаги умумий ва хусусий жиҳатлар нималардан иборат?
4. Бугунги кунда дунё олимларининг Навоий ва унинг ижодига қизиқиши сабаблари нимада?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Эркинов А.С. Подражательность или оригинальность: оценка В.В.Бартольдом узбекской классической литературы // Русская

²⁰Алишер Навоий ижодининг хорижда ўрганилиши билан боғлиқ маълумотлар М.Холбеков, А.Абдуазизов, Р.Абдуллаева, Г.Халлиева, З.Мирзаева каби олимларнинг тадқиқот ва мақолаларида келтирилган.

диаспора в Узбекистане: время, события, люди. Материалы научной конференции. Ташкент, 2009, С.72-78.

2. Мирзаева З. Жаҳон навоийшунослиги: кеча ва бугун. Жаҳон адабиёти// 2016, № 3
3. Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. American Slavic and East European Review. Vol.16.№ 2, pp. 202-205.
4. Toutant Marc. The last Timurids's Culture: Study of Imitation Practice through the case of Alisher Navai (1441-1504)'s Khamsa, 2014
5. Umarov E. Alisher Navai and the Cagatay Alphabet. Act Orientalia Academiae Scientiarum Hungaricae 47 (1994): 441- 44.

4- маъруза

Шарқ ва Ғарб эстетик қарашларининг ўзига хос жиҳатлари. Эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон масалаларининг миллий ва ғарбона талқинлари

Режа

1. *Шарқ ва Ғарб эстетик қарашларининг ўзига хос жиҳатлари.*
2. *Эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон масалаларининг миллий талқинлари.*
3. *Эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон масалаларининг ғарбона*

Таянч иборалар: Шарқ ва ғарб эстетикаси, ғарбона тафаккур, интеллектуал тафаккур, эстетик идеал, миллий талқин

Оламни ҳиссий қабул қилиниши тадқиқ этиб, санъат ва маданият, борлиқни субъектив қабул қилинишини ўрганади. Эстетика инсон билан дунё ўртасидаги қадриятлар муносабатининг ўзига хос жиҳатлари ва кишиларнинг бадиий фаолияти соҳасини ўрганувчи фалсафнинг бир қисмидир. Эстетиканинг синоними сифатида гўзаллик фалсафаси, санъат фалсафаси, бадиий ижод фалсафаси сўзлари қўлланилиши мумкин. Ҳозирги ўзбек тилида нафосатшунослик ёки нафосат фалсафаси атамалари ҳам эстетикани англатади. Эстетика ўз ичига санъат эстетикаси, табиат эстетикаси ва турмуш эстетикаси каби соҳаларни қамраб олади²¹.

Эстетика иш кўрадиган йўналишлари қуйидагилардан иборат: нафосат, дид, гўзаллик, улуғворлик, кулгилилик, мўжизавийлик, ҳаёлилик, хунуклик, тубанлик,

²¹ Gadamer H.G. Truth and Method. Continuum Publishing Group, 2004.P.221.

фожиавийлик, сингари категориялар билан. Буларнинг ичида нафосат тушунчаси алоҳида ўринга эга. У бир томондан, эстетик англашнинг барча жиҳатларини (эстетик ҳиссиёт, эстетик завқ, эстетик дид, эстетик муҳокама), иккинчи томондан, эстетик хусусиятларни – амалдаги гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик, кулгилилиқ ва бошқаларни ўз ичига олади. Баъзида нафосат эстетиканинг предмети сифатида ҳам ҳисобланади.

Эстетиканинг тадқиқот объектлари ичида санъат алоҳида ўринни эгаллайди, у қадимдан то ҳозирги кунгача энг кўп тадқиқ этилган эстетик соҳа ҳисобланади. Айни вақтда эстетика санъатшунослиқ фанидан ўз объектига фалсафий ёндашуви билан фарқланиб, барча санъат турлари учун зарур бўлган умумий қонун-қоидаларни ишлаб чиқади. Мас, адабиётшунослиқдаги қофия назариясини муסיқага ёки ҳайкалтарошлиққа нисбатан қўллаб бўлмайди. Эстетикадаги композиция ёки услуб назарияси еса меъморликдан тортиб бадиий сураткашлиқкача бўлган ҳамма санъат турларига тааллуқлидир. Айни пайтда Эстетика санъатнинг табиати, унинг ижодийлиги ва бошқалар жиҳатларини тадқиқ этади; бадиий оқимлар ва йўналишларнинг, ижодий услубларнинг моҳиятини ўрганади.

Эстетика фалсафий илм сифатида кўплаб ижтимоий ва табиий фанлар билан алоқадордир. Унинг этика билан алоқаси алоҳида диққатга сазовор. Бу иккала фаннинг ўзаро яқинлиги, аввало, инсон хатти-ҳаракатининг кўп ҳолларда ҳам ахлоқийлик, ҳам нафосат уйғунлигидан иборат эканлигида; 2-дан, Эстетиканинг асосий тадқиқот объекти бўлмиш санъат моҳиятан эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашнинг бадиий инъикоси сифатида доимо долзарб ахлоқий муаммоларни кўтариб чиқади; 3-дан, Эстетиканинг баъзи тушунчалари этика учун ҳам бирдек хизмат қилади; 4-дан, Эстетика ўрганадиган хулқий гўзаллик соҳаси ахлоқ билан бевосита боғлиқ. Айни пайтда иккала фан бир-бирига жуда ўхшаш экан деган таассурот туғилмаслиги керак. Эстетика ҳар бир объектга аниқ, муайян ёндашувни талаб қилади, этика эса ҳамма учун умумий бўлган қонун қоидаларни, ҳикматларни ишлаб чиқади. Эстетиканинг психология билан алоқаси ҳам жуда муҳим: ҳар иккала фан руҳий ҳолатларни ўрганади. Ҳар иккала фан учун умумий

бўлган санъат психологияси ва бадиий ижод психологияси деган махсус йўналишлар мавжуд. Эстетика ва социологиянинг ўзаро муносабатларида санъатни ҳамкорликда ўрганиш масалалари муҳим. Санъат асари алоҳида инсон шахсига эътибор қилгани ҳолда, жамиятни ижтимоий муносабатлар тизими, ижтимоий тузилма сифатида бадиий тадқиқ этади, айти пайтда социологик тадқиқотлар учун ўзига хос материал бўлиб хизмат қилади; социология жамият билан санъатнинг ўзаро алоқаларини, санъатнинг ижтимоий вазифаларини; санъаткорнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, китобхон ва томошабинларнинг ижтимоий демографик ҳолатларини; шахс ижтимоийлашувида санъатлар ва санъат асарининг аҳамиятини таҳлил қилади²².

Мазкур муаммоларни ўрганиш учун Эстетика ва санъат социологияси соҳаси мавжуд. Эстетиканинг диншунослик билан алоқаси ҳам катта аҳамиятга эга; дин ва санъат доимо бир-бирини тўлдириб келади, кўп ҳолларда бири бошқаси учун яшаш шarti бўлиб хизмат қилади. Асрлар мобайнида, ана шу алоқалар натижаси ўлароқ, санъат асарининг ўзига хос кўриниши – диний бадиий асар вужудга келди. Мас, Шоҳизинда меъморий мажмуи, Кёлен жомеси, Рембрандтнинг "Муқаддас оила" асари, "Абу Муслим жангномаси" қиссаси ва бошқалар Эстетика бундай асарларни тадқиқ этар экан, албатта, диншунослик фани билан ҳамкорлик қилади. Эстетиканинг педагогика билан боғлиқлиги эстетик тарбия масалаларига бориб тақалади; пед. ҳам эстетик тарбия билан шуғулланади. Лекин у алоҳидаалоҳида, мустақил қисмларга бўлинган ҳолда, турли ёш ва соҳалар учун махсус белгиланган тарбия тарзида олиб борилади. Мас, мактабгача тарбия, ўқувчилар тарбияси, жисмоний тарбия ва ҳ.к. Эстетика эса нафосат тарбиясининг умумий қонунқоидаларини ишлаб чиқади – инсон туғилганидан бошлаб, то ўлимигача ўтадиган умр босқичлари учун тааллуқли бўлган тарбия фалсафаси сифатида иш кўради. Эстетиканинг семиотика (белгилар ва белгилар тизимлари ҳақидаги фан) билан алоқадорлиги кейинги пайтларда янада теранроқ тадқиқ этилмоқда. Маълумки, ҳар бир санъат асарининг мазмунмоҳияти муайян белгилар воситасида намоён бўлади, яъни билиш ва баҳолаш натижалари бўлмиш семиотик

²² Gadamer H.G. Truth and Method. Continium Publishing Group, 2004.P.242.

ҳамда прагматик ахборотни ўзида мужассам қилган санъат асари ўша ахборотни етказиб беришга ҳам мўлжалланган; у санъат турига қараб турлича белгилар – ҳарфлар, чизиқлар, ноталар ва ҳ.к. орқали амалга оширилади. Санъатнинг семиотик белгилар билан боғлиқ ана шу томонларини – коммуникатив воситачилик жиҳатларини семиотика ўрганади; бу борада алоҳида тузилма семиотик деб номланган назарий ёндашув ҳам мавжуд. Шунингдек, Эстетика барча санъатшунослик фанлари ҳамда табиат Эстетикаси нуқтаи назаридан экология, ахборот назарияси жиҳатидан кибернетика билан алоқадорликда иш кўради²³.

Эстетика тарихининг ибтидоси Сомир (Шумер), Бобил, қадимий Миср, қадимий Хитой ва кейинроқ йунон мифларига бориб тақалади. Бундан 5–6 минг йил аввал илк ёзув – миҳ хатда битилган Сомир гилтаҳталаридаги матнларда "гўзаллик", "санъат", "муסיқа" сингари сўзларда акс этган. Дастлабки эстетик тушунчаларни учратиш мумкин. қадимий Мисрда милoddан 4–4,5 минг йил аввал санъатнинг барча асосий турлари, сал кейинроқ еса профессионал театр вужудга келди. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авестош илгари сурилган эстетик ғоялар кейинчалик Ҳиндистонда, ундан сўнг Юнонистонда Эстетика ривожига таъсир кўрсатди. Қадимий Шарқдаги эстетик ғоялар дастлаб фойдалилик (нима фойдали бўлса – ўша гўзал), кейинроқ ахлоқийлик (нима эзгу бўлса – ўша гўзал) тамойиллари асосида шаклланди. Юнон мумтоз Эстетикаси намояндалари, айниқса, Аристотел гўзалликнинг фойдалиликдан ва эзгуликдан алоҳида ҳолда мавжуд бўлиши мумкинлигини айтиб ўтди; бу жиҳатдан унинг "Поэтика" ("Шеърят санъати") асари эътиборга молик. Ўрта асрларда мусулмон шарқи тасаввуф эстетикаси бу ғояларни такомилга етказиб, янги босқичга кўтарди; Уйғониш даври ва Янги давр Эстетикаси тараққиёти учун назарий асос бўлиб хизмат қилди. Эстетика Бёрк, Д.Йум, И.Кант ва бошқалар меросида буни яққол кўриш мумкин. Мас, Кантнинг гўзаллик ҳақидаги машҳур 4 тамойилидан 3 таси шарқ файласуфлари назариялари асосига қурилган. Мазкур 3 тамойил – гўзалликнинг беғараз манфаатсиз муносабатга асосланганлиги; унинг заруратга

²³ Gadamer H.G. Truth and Method. Continium Publishing Group, 2004.P.262.

айланган муҳаббатнинг объекти эканлиги (Ғазолий); гўзалликни оддий мантикий ёндашув орқали билишимиз мумкин эмаслиги (Фаробий) Кантни, гўзаллик биз учун ўзини мақсад шаклида эмас, мақсадга мувофиқлик шаклида намоён этади деган 4тамойилни яратишга олиб келди. Кантдан сўнг немис рационал Эстетикасида Шиллер, Шеллинг, Гегел назарияларининг Эстетика тараққиёти учун аҳамияти катта бўлди. Шопенгауер, Ницше, Дилтей сингари норационал йўналишдаги файласуфларнинг эстетик қарашларида ҳам ўзига хос янги ғоялар илгари сурилди, мас, Шопенгауер Эстетикага янги – "қизиқарлилик" категориясини киритди, Ницше эса санъатни икки – аполлонча ва дионисийча турга ажратиб ўрганишни таклиф этди. Энг янги давр Эстетикасида, З.Фрейд, айниқса, К.Йунг таълимотида санъат асари ва санъаткорнинг ўзаро муносабатларини руҳий типлар асосида ўрганилиши олға ташланган янги қадам бўлди. Шунингдек, Ж.П.Сартр, А.Камю, Г.Марсел, Х. Ортега и Гасет ва бошқалар мутафаккирлар индустриал жамиятда гўзаллик ва санъатнинг тақдири масалалари билан қизиқдилар. Ҳозирги Эстетиканинг миқёсийлашув жараёнида техника, табиат ва турмуш Эстетикасига ҳам жиддий еътибор берилмоқда; хулқий гўзаллик муаммоси янада муҳим ўрин эгаллай бошлади²⁴.

Ўзбек миллий Эстетикаси тараққиёти тарихан минтақавий табиатга эга бўлиб, унинг илдизлари дастлаб Авесто, кейин монийликнинг муқаддас китоби Хуастуанифт (За.)га бориб тақалади. Ислом дини қабул қилинган, миллий минтақавий Эстетика Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифдаги "Аллоҳ гўзал ва У гўзалликни севади" деган тамойил асосида ривожланди. Бунда машшойийунлик (Фаробий, Ибн Сино) билан ёнмаён тасаввуф Эстетикасида кубровийлик (Нажмиддин Кубро), жўмардлик (Паҳлавон Маҳмуд), нақшбандия (Алишер Навоий) сингари тариқат мутафаккирларининг гўзаллик, санъат ва санъаткор борасидаги қарашлари муҳим аҳамият касб этди. Ўзбек Эстетикаси тарихида, айниқса, Темурийлар даври алоҳида ўринга эга; Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб", "Мажолис уннафоис", "Мезон улавзон" асарлари, 15–16-асрларда қатор тазкиралар ва мусиқа назарияси борасидаги рисоалар ўзбек Эстетикаси ривожига

²⁴ Gadamer H.G. Truth and Method. Continium Publishing Group, 2004.P.277.

улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Хонликлар ва чоризм мустамлакаси даврида эса ўзбек Эстетикаси кўпроқ тазкираларда (Фазлий) ва шеърӣ шаклларда (Фурқат) ўз ифодасини топди. Ўзбек миллий Эстетикасидаги йуксалиш 19-аср охирлари – 20-аср бошларига тўғри келади. Бу даврда маърифатчижадид мутафаккирлар янги эстетик ғояларни ўртага ташладилар, бадиий адабиётда, драматургия жанрига ва замонавий театр санъатига асос солдилар. Анбар Отиннинг "Қаролар фалсафаси" (1910), Фитратнинг "Оила" (1914), кейинроқ "Адабиёт коидалари" (1926) рисоалари йузага келди, Чўлпоннинг бадиий адабиёт, театр санъатига бағишланган туркум мақолалари эълон қилинди. Лекин шўролар ҳукмронлиги давридаги тоталитаризм барча фалсафий фанлар қатори Эстетикани ҳам синфийлик ва партиявийлик тамойиллари асосида бирёқчамаликка, маҳдудликка, сохталикка маҳкум қилди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Эстетикага алоҳида эътибор берилди, эстетик маданият (М.Нурматов, М.Абдуллаев), эстетик қадриятлар (Т.Маҳмудов) борасида йирик тадқиқотлар эълон қилинди. Ҳозирги вақтда Эстетика назарияси ва тарихига доир жиддий изланишлар олиб борилмоқда (Т.Маҳмудов, А.Қурбонмамадов, ЭстетикаУмаров, А.Шер, Б. Хусанов). Ўзбекистон миллий университетиде Эстетика йўналиши бўйича магистратура фаолият кўрсатмоқда, шу йўналишда аспирантура ва докторантура мавжуд. Мамлакатимизда фуқароларнинг эстетик тарбиясига тааллуқли турли тадбирлар, уларнинг эстетик дидини юксалтиришга қаратилган маънавий-маърифий ишлар мунтазам олиб борилади.

Бадиий адабиётда ижодкор мақсади, инсон ва жамият хусусидаги ўй-хаёллари бадиий тафаккур билан уйғун ҳолда унинг эстетик идеалини белгилашда муҳим ўрин тутди. Демак, шу жиҳатдан қаралганда, «Эстетик идеал бадиий образда мукамал ҳаёт ва инсон қиёфасини намоён этишга хизмат қиладиган адабий категориядир».²⁵ Бадиий ижодда эстетик идеал тасвирининг кўплаб шакллари мавжуд. Улардан энг асосийси идеалнинг маълум бир аниқ қиёфасини ўзида мужассам этган ижобий қаҳрамон образини яратиш бўлса, яна бири шу

²⁵www.rifma.com.ru/Lito-46.htm

қахрамоннинг тамоман акси бўлган, муаллиф идеалининг антиподи тасвири орқали идеалнинг муайян қиёфасини очишга қаратилган шаклдир.

Хориж олимлар Эдворт Олворт, Давид Монтгомери, Адиб Холид, Роберта Мария, Шон Лайнс, Аҳмет Оғир (Америка), қиёсий таҳлил учун Хисао Коматсу (Япония) ва Темурхўжа ўғли (Туркия) изланишларида жаҳид адабиёти намуналарида ифодасини топган интеллектуал образлар ва ижодкор эстетик қарашлар таҳлил қилинади. Улар ўз тадқиқотларида ўзбек адабиётидаги эстетик идеал ва интеллектуал образ масалалари ҳақида тўхталиб, бу ҳақидаги кузатишларини қиёсий-типологик (герменевтик ва компаравистик) йўсинда тадқиқ этади.

Ўтган асрнинг 50 – 70-йиллари, дастлабки босқичда яратилган тадқиқотларда муаммо моҳиятига ижтимоий-сиёсий мезонлар асосида ёндашиш, тарафкашлик принципига асосланиб ноўрин ва бир ёқлама хулосалар чиқариш, муаллиф дунёқарашига етарлича аҳамият қаратмаслик тамойили кузатилади. Ваҳолонки, бугунги кунда миллий тикланиш ғоясининг бадиий ифодаси саналувчи асарлар муайян даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият тақозоси, ижодкор салоҳияти, ижодий-эстетик концепцияси, бадиий маҳорати, эркин интилишларига яратилган имконнинг даражаси, шахсий жасорати сингари кўплаб факторлар билан боғлиқ тарзда аналитик таҳлилни тақозо этади. Жумладан, Фитрат асарларида рус доктори, сайёҳ, фаранги образлари маърифий, ижтимоий-ғоявий мақсадларни тарғиб қилиш, миллий интеллектуал образларни шакллантиришда ўзига хос бадиий восита ролини ўйнагани ҳолда, муаллиф ижодий-эстетик концепцияси жаҳид образида ифодаланади. Бошқачароқ айтганда, ўлкадаги ҳақиқий аҳволни ўзганинг нигоҳи билан кузатиш приёми орқали таназзул сабаблари – ақидапарастлик ва жаҳолат танқид остига олинади.

Инглиз назариётчиларидан Клеймент романтик қахрамонларни ҳаёт қийинчиликларига муносабати нуқтаи назардан «пассив» ва «актив» деган икки

категорияга ажратади.²⁶ Романтизмнинг характерини бу тарзда изоҳлаш, бизнингча, тарихга нисбатан тенденциоз муносабатдан келиб чиқади. Унда ижтимоий воқеликнинг тасдиғи ва инкори принципига асосланилади. Шу маънода, у қайсидир жиҳатлари билан шўро даврида романтизмни «реакцион», «прогрессив», «революцион» тарзида ғайриилмий таснифлашга уринишларни эслатади. Жумладан, Аҳмет Оғир ҳам Отабекни «пассив қаҳрамон» деб баҳолайди.²⁷ Унинг наздида,

етақчи қаҳрамоннинг ота-она истагига қарши боролмаслиги, Ҳомиднинг бўҳтони билан ҳибсга олинганидан сўнг бетадбир қолиши сингари ҳолатлар ана шундай ижтимоий нофаоллик белгилари. Тадқиқотларидаги муҳим методлардан бирини ташкил этади. Иккинчи томондан, романни турли йўсинларда тадқиқ этиш, рамзий образлар воситасида бир матннинг турли хил маъноларини келтириб чиқариш ва, ниҳоят, ижтимоий-сиёсий, психологик муҳитга муаллиф муносабати ва дунёқараши қай даражада боғланганлигини аниқлаш принципи романнинг ички моҳиятида яширин мантиқни ойдинлаштиришда ўзига хос муносиб ўринга эга. Аммо, Роберта Мария таъкидлаганидек, Юсуфбек ҳожи образида ўзгараётган структурал тузумнинг рамзий ифодаси акс этган эмас. Аксинча, мазкур образ асарнинг асосий мазмунига параллель иккинчи бир йўналишни ташкил этиб, бадиий асар ғоясини тўлдириб келади. Демак, муаммонинг рамзий-символик жиҳатидан ташқари бадиий образга миллий қадриятлар асосида шаклланган шахс мақомидан туриб ҳам ёндашиш лозим. Ҳар иккала жиҳатнинг уйғунлашувигина Юсуфбек ҳожи образи ҳақида тўлақонли тасаввур туғдиради.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўляптики, Роберта Мария Юсуфбек ҳожи образининг бадиий-эстетик талқини, хусусан, ушбу образда нафақат мозийдаги, балки роман яратилган вақт ҳамда бугунги кунимиздаги оталарга хос

²⁶Clement N.H. Romanticism in France.— NewYork: The modern language Association of America, 1939. — P.438 — 439. (ушбу манба Аҳмет Оғир диссертациясидан олинди).

²⁷Ahmet Ag'ir. From Colonial to Post Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiriy,Oybek, Hoshimov).WisconsinUniversity.Madison, 2003.— P.101.

донишмандлик, бошқаларнинг ихтиёри билан ҳам ҳисоблашадиган, узоқни кўзлайдиган, муаллиф мақсади асосида яратилган ўзбек отасининг типик вакили ифодаланганлигини, яъни образдаги миллий руҳни англай олмаган деган фикрдамиз. Бу кемтиклик ғарбона миллий рух, тарихий колоритдан келиб чиқиб фикр билдириш натижасидир.

Назорат саволлари

1. Эстетик идеал нима?
2. Эстетик идеал ҳақидаги ғарбона ва шарқона қарашлар тафовути нимадан иборат?
3. Шарқ эстетик тафаккури ҳақида маълумот беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзаева З. Жаҳон навоийшунослиги: кеча ва бугун. Жаҳон адабиёти// 2016, № 3
2. Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. American Slavic and East European Review. Vol.16.№ 2, pp. 202-205.
3. Toutant Marc. The last Timurids's Culture: Study of Imitation Practice through the case of Alisher Navai (1441-1504)'s Khamsa, 2014.

5-мавзу

Ўзбек адабиёти жаҳон адабиётшунослиги контекстида

Режа:

1. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи ва тараққиёт босқичлари.
2. Ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши.
3. Ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти контекстида.

Таянч иборалар: ўзбек адабиётшунослиги, жаҳон адабиётшунослиги, жаҳон ва ўзбекадабиёти

Ўзбек адабиёти бир неча минг йиллик тарихга эга. XX аср адиблари ижоди адабиётимиз тараққиётида мавзу мундарижаси, ғоявий-бадий мазмуни, ижтимоий турмушнинг барча тармоқлари бадий комплекслаштирилгани билан ўзига хос ўрин тутди. Миллий сўз санъатимизнинг яқин юз йилликдаги намуналари маълум маънода ижтимоий-сиёсий, ғоявий кураш майдонида тобланган. Чунончи, шўролар империяси Ўзбекистонда тўла ҳукмронлик ўрнатган пайтларда яратилган асарларда ҳам мустақилликка эришиш, ўзликни англаш каби буюк ғоялар тараннуми асло тўхтаб қолмаган.

Ана шундай ижтимоий-эстетик ғоялар акс этган бадий ижод намуналари хорижлик, хусусан, АҚШ, Англия, Германия, Хитой, Япония адабиётшуносларининг ҳам диққат марказида бўлди. Зеро, «... бирон-бир маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан олиниши, табиийки, ана шу халқ тарихига нисбатан чуқур ҳурмат ифодасидир. Бундай

этироф халқнинг ғурур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат қилади».²⁸

Мавжуд маълумотларга кўра, XX аср ўзбек адабиёти намуналари кўплаб тилларга таржима қилинган ва нафақат АҚШ, балки дунёдаги бошқа ривожланган давлатлар, жумладан, Туркия, Испания, Россия, Буюк Британия, Франция, Италия, Швейцария осиешунослари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилган. Сўнгги йилларда АҚШда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон халқлари ҳаёти, тарихи, маданияти ва адабиётига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда, мазкур тадқиқотларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, олий ўқув юртларидаги «Марказий Осиёни ўрганиш» бўлимларини кенгайтиришга интилиш кучаймоқда. Америка ўзбекшунослари орасида нафақат XX аср, балки замонавий адабиётга оид фундаментал тадқиқотлар ҳам яратилган ва яратилмоқда.

Бу соҳада олиб борилган изланишлар жаҳон адабиётшунослигининг маълум маънода яхлит тизим эканини кўрсатади. Шундай экан, мазкур бутунликнинг маълум қирраларини ўрганиб, тегишли хулосалар чиқариб бориш унинг бардавом ва барқарор бўлишига хизмат қилади. Қолаверса, XX аср ўзбек адабиётининг АҚШда ўрганилишини яхлит тарзда тадқиқ этиш имконини ҳам беради. Шу маънода изланишларимиз айна муаммо тарихи ва тадрижини ўзга минтақа ва халқлар адабиётшунослиги мисолида кузатишга тurtки беришидан умидвормиз.

АҚШ тадқиқотчилари мафкуравий-адабий эркинлик сабабли, ўша даврда имконияти чекланган ўзбек олимларидан фарқли ўлароқ, ўз тадқиқотларида муайян бадий асарнинг ижтимоий-сиёсий, эстетик моҳиятини англашга хизмат қиладиган масалаларни ўрганишни устувор вазифа сифатида белгилашган. Кўп тармоқли, турфа талқинларга имкон берувчи бадий воқеликка суяниб унинг ботинига яширинган тушунчалар мантиғини ҳаққоний ва холис англашга интилишган. Шу боис уларнинг таҳлил ва тадқиқ принципларини ўрганиш бугунги кунда назарий асослари

²⁸Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.30.

тубдан ўзгарган мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослиги учун ҳам муҳим назарий ва методологик аҳамиятга эга²⁹.

Таъкидлаш ўринлики, хорижда ўзбек адабиёти билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борган, бу эзгу юмушни ҳамон давом эттираётган айрим олимлар олдиндан белгиланган адабий-сиёсий концепция этагини маҳкам тутишган. Шунинг учун айрим ҳолларда улар поэтик асар матнида акс этган бадиий ҳақиқат мантиғи ҳақида эмас, балки ўз тасаввурларидаги «ҳақиқатлар» тўғрисида фикрлаш билан чекланишади. Аёнки, ҳар қандай тарафкашлик нотўғри таҳлил ва талқинларга йўл очади. Ёндашув тамойилларининг бирёқламалиги адабий жанрлар, асар марказида турувчи характерларга хос хусусиятлар назарий жиҳатдан асосланмаганида ошкор бўлади. Бу фикр тасдиғини муайян образларнинг концептуал характери, ўзбек адабиёти вакиллари бадиий-эстетик олами инкишофи ҳақидаги нисбатан асоссиз хулосаларда, асл моҳиятга зид таҳлилларда ҳам учратиш мумкин. Шундай экан, хорижда ўзбек адабиёти ўтмиши ва бугунига дахлдор жараёнлар, айрим енгил-елпи қарашлар моҳиятидан бохабар бўлишимиз зарур. Мустақиллик даври интеграциялашув ва интенсификациялашув жараёни беҳад кучайгани билан характерланади. Демак, бизнинг замонамизда бадиий асар тадқиқи билан боғлиқ изланишлардаги таҳлил ва талқин мувозанати, объективлик даражасини ўрганиш адабиётшуносликнинг бош вазифалари сирасига киради.

Хориж олимларининг XX аср ўзбек адабиёти тадқиқига бағишланган илк изланишларидаги ёндашув принципларини унинг объектив ва субъектив омилларини ҳисобга олган ҳолда чуқур ўрганиш миллий танқидчиликнинг муҳим вазифаларидир. Зеро, бу тадқиқотлардаги етакчи йўналиш ва тамойилларни белгилаш, тасниф қилиш, образ яратишнинг миллий асосларини бугунги кун нуқтаи назаридан ижтимоий-эстетик уйғунликда таҳлил этиш; миллий характерда акс этган бадиий-эстетик тамойиллар, яъни

²⁹ Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900 – 1924 ed. Timur Kocaoglu. – Haarlem, 2001.P.31.

ғарб адабиётшунослигининг етакчи назарияларини миллий тафаккурга нечоғлик мутаностиблиги нуқтаи назаридан кузатиш давр талабидир³⁰.

Хорижлик олимларнинг ўзбек адабиётига қизиқиши ва ўрганишидан соф эстетик мақсадлар кўзланганми? Айни масалага миссионерлик, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа муаммолар аралашмаганми? Муаммонинг объектив ва субъектив омиллари қай жиҳатларда намоён бўлади? У ёки бу даврда олимлар қандай сиёсий-мафкуравий ва адабий-эстетик масалаларга эътибор қаратишган? Назарий-методологик асос сифатида қайси манбаларга таянишган? Бунинг марғуб ёхуд номарғуб жиҳатлари нималарда кўринади? Уларнинг изланишларида ўсиш ва ривожланиш, концептуаллик ҳамда теранлашув кузатиладими?

Фикримизча, юқоридаги саволларга жавоб беришдан олдин муаммонинг кўйидаги жиҳатларига эътибор қаратиш керак.

Биринчидан, замон тақозосига кўра АҚШ ва бошқа мамлакатларга бориб қолган айрим ватандошларимиз тилини, урф-одатларини сақлаб, шу минтақалар қиёфаси, маданияти ва адабиёти тараққиётига ҳам муайян ҳисса қўшишган.

Иккинчидан, ўзбек китобхони Ж.Ф.Купер, Г.Бичер-Стоу, М.Твен, Т.Драйзер, Ж.Лондон, О.Генри, Э.Хемингуэй, У.Фолькнер, А.Кларк, Л.Хюз асарларини севиб ўқийди. Халымизда Барокко, классицизм, реализм каби меъморчилик ва тасвирий санъат услубларига; импрессионизм, символизм, модернизм оқимларига; Голливуд киноларига қизиқиш катта. Шундай экан, америкалик олимларнинг миллий адабиётимизни ўрганишга бўлган интилиши ҳам табиий қабул қилинмоғи керак.

Учинчидан, 1992 йил 12 февралдан эътиборан Ўзбекистон АҚШ билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Шу боис америкаликларнинг юртимизни ҳар томонлама тадқиқ қилишга интилиши ажабланарли ҳол эмас.

³⁰ Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900 – 1924 ed. Timur Kocaoglu. – Haarlem, 2001.P.43.

Миллий адабиётимизнинг хорижда ўрганилиши генезиси билан боғлиқ илк ёндашувларга назар ташласак, аввало, ўзбек муҳожирлари илк авлодининг диққат марказида жадид адабиёти бўлгани ойдинлашади. Дастлабки тарғиботчилар орасида 1925 йилдан эътиборан Усмон Хўжа ўғли, Мустафо Чўқай ўғли, Заки Валидий (Тўғон), Тохир Шокир ўғли (Чиғатой), Абдувахоб Исҳоқ ўғли (Ўқтой) каби миллатпарвар юртдошларимиз бўлишган.³¹ Уларнинг фаолияти матбаачилик ва таржимачиликдан (таржималар ҳамиша ҳам назарий қонуниятларга мутаносиб эмас – З.М.), шунингдек, Туркистондаги ижтимоий-сиёсий воқеалар, мустамлакачиликка қарши кураш ғояларини умумий тарзда акс эттирувчи мақолалар билан жамоатчилик эътиборини айна муаммоларга қаратишдан иборат бўлган.

Истанбул, Олмония ва Парижда ўзбек муҳожирлари томонидан нашр этилган илк газета ва журналлар, улардаги мафкуравий ва адабий тадқиқотлар Америка олимларида ўзбек сўз санъатига қизиқиш уйғотиб, мазкур соҳадаги тадқиқотларнинг ривожланишига, ҳатто Америка ўзбек адабиётшунослиги мактаби яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.³² Аммо кўпинча мазкур тадқиқотчиларнинг хулосалари эҳтимолий характердалиги, дедуктив ва гипотетик мулоҳаза юритилгани, ижтимоий-сиёсий талқинга мойиллиги, баъзан эса вульгар социологизм иллатларидан холи эмаслиги билан характерланади. Ҳар ҳолда, хорижда ўзбек адабиёти намуналарини ўрганишга бўлган қизиқиш ўтган асрнинг 20-йилларидан бошланган. Бу жараённинг бошланиши ва жиддий тус олишида ўзбек муҳожирларининг муносиб ҳиссаси бор.

Истиқлол даврига қадар олиб борилган изланишларнинг аксариятида ижтимоий-сиёсий вазият тақозоси бўлган «адабий-эстетик» мезонлар таъсири сезилади. Ўзбек хорижшуносларининг шўро даврида чет эл советшуносларига қарши ёзган рисола ҳамда тадқиқотлари йўналиши ва

³¹Қаранг: Исматуллаев Х. Чўлпон ва жаҳон. Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900 – 1924 ed. Timur Kocaoglu. – Haarlem, 2001. – P.274 (китоб турк ва инглиз тилларида, мақола ўзбек тилида).

³²Эдворт Олворт билан қилган суҳбатимизда у Марказий Осиё, хусусан, ўзбек адабиётига дастлабки қизиқиши Европада нашр этилган вақтли матбуотда бериб бориладиган адабиёт, маданият, ижтимоий-сиёсий воқеаларга онд мақолалар асосида шаклланганини эътироф этган эди. Бу ҳақда қаранг: Мирзаева З. Манзилан узок, кўнгилга яқин (Америка олими Эдворт Олворт билан суҳбат) // XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.219 – 230.

тамойиллари эса ўша давр сиёсий тузумлараро кечган «антогонистик кураш»лар билан чамбарчас боғлиқ.

Назорат саволлари:

1. Ўзбек адабиёт ва адабиётшунослиги тарихи ва тараққиёт босқичларини кўрсатинг.
2. Ўзбек адабиёти хориж адабиётшунослигида қандай ўрганилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзаева З. Ўзбек адабиётининг хорижда ўрганлиши. Тошкент, 2015.
2. Исматуллаев Х. Чўлпон ва жаҳон. // Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900 – 1924 ed. Timur Kocaoglu. – Haarlem, 2001.
3. Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. – Тошкент: Фан, 2011.

6-мавзу

Адабиёт назариясининг хориж тажрибаси.

Тафаккурдаги сифатий силжиш

Режа:

1. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабиёт назарияси.
2. Адабиёт назарияси ва замонамиз.
3. Адабиёт назариясининг тараққиёт тамойиллари.

Таянч иборалар: ўзбек адабиётшунослиги, адабиёт назарияси, тараққиёт тамойиллари

Ўзбек адабиётшунослиги ўзининг тарихи, тараққиёт босқичларига эга бўлиб кейинги йилларда ушбу соҳа жаҳон адабиётшунослигидаги энг сўнгги йўналишлар, қарашлар, тамойиллар асосида ривожланмоқда.

Ғарб дунёсида яратилган адабий танқид назариясига оид тадқиқотларда матн таҳлили билан боғлиқ бир-бирига ўхшаш қарашларни учратиш мумкин. Жумладан, инглиз олими Х.Бертенс ва рус академиги Н.П.Сакулин муайян бадиий асарни ижтимоий-ғоявий жиҳатдан таҳлил этиш ҳақида гап кетганида «Нима учун ижодкор айнан мазкур мавзуда санъат асари яратди?», «Ушбу мавзуда асар яратишнинг сабаби нимада?», «Бу мавзу нимани англатади?», «Шоирнинг янгича ёндашуви асосида қандай мақсад ётади?», «Бадиий матн кучи қайси элементга асосланган?», «Бадиий матндаги калит сўзларнинг ички ва ташқи шакли, образлар структураси ва ғоя тузилишида қандай поэтик асослар мавжуд?» каби қатор саволларнинг ҳам қўйилишини

танқидчининг матн борасида тўғри хулосалар чиқаришида муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблашади.³³

Бадиий матнни Европа олимлари таъкидлаган муаммолар атрофида таҳлил қилиш ва қўйилган саволларга жавоб топиш нафақат матн моҳиятини тўғри идрок этишда, балки ижодкор ҳаётидаги муҳим нуқталарни ойдинлаштириш, асар яратилишидаги ижодкор рухий кечинмаларини тасаввур қилиш каби масалаларни ойдинлаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Эҳтимол, шунинг учун Э.Олворт ўз тадқиқида Рауф Парфи шеърини моҳиятини ҳам Х.Бертенс ва Н.П.Сакулин таъкид этган назария асосида ечишга интилади. У бадиий асар поэтикасини шакл лингвистикаси асосига қўяди ва шеърдаги ғоя тадқиқида формал методга таянади. (*Жумла жуда олифта ва гализ*) Тадқиқотчи таҳлилларига синчков назар ташланса, унда шоирнинг нима учун айнан Бухорога мурожаат этгани сабаблари кидирилаётганини англаш қийин эмас. Э.Олворт ўз эътиборини мумтоз адабиётимиз намуналарида кўп учрайдиган «гулшан», «паришон» каби сўзларнинг маъно қатламларига қаратади.

Ғарб адабий танқидчилигидаги бугунги кунда тўққизтадан ортиқ энг илғор ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг муҳимлари формал, ижтимоий, биографик, психологик таҳлил методларидир.

Аслида «Адабиётшунослик синтетик фан бўлиб, у назарий ва тарихий-адабий характердаги бошқа ёрдамчи соҳаларни ҳам ўзида бирлаштиради»,³⁴ – деб таъкидлайди Н.Ф.Бельчиков. Маълум бўладики, муайян ижод намунасида акс этган бадиий ва тарихий воқеалар синтези моҳиятини очиш, улардаги воқелик сабабларини мукамал тушуниш ва асардаги ҳар бир кичик деталь моҳиятини англашда биографик, текстологик, лингвистик, тарихшунослик, матншунослик ва яна бир қанча бошқа соҳаларнинг яқдил иштироки талаб этилади. Иккинчидан, бу таҳлил этилаётган матннинг қандай

³³ Bertens H. Literary Theory. Second edition. – London-New York, 2008; Сакулин П.Н. Филология и культурология. – М.: Высшая школа, 1990.

³⁴Бельчиков Н.Ф. Литературное источниковедение. – М.: Наука, 1983. – С.53.

характерга (сиёсий, ижтимоий, тарихий, маиший) эга эканига ҳам боғлиқ. Масалан, биз юқорида кузатган мақолалар таҳлилида биографик характердаги тарихий, ижтимоий ва сиёсий ёндашув устунлик қилади. Ҳар бир муаллиф муайян бадиий асар таҳлилида ижодкор биографиясига алоҳида эътибор қаратади. Бадиий асарни муаллиф ҳаёт йўли контекстида ўрганишга интилади. Шубҳасиз, муайян бадиий асарда унинг ижодкори шахсияти аксланади. Шу боис унинг аксарият қирралари айнан шундай ёндашув орқали англашилади. Демак, биографик метод асарга муаллиф юклаган мазмунни ойдинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Аммо адиб бадиий идрокида унинг руҳияти ва дунёқарашида рўй берган бурилишлар ҳам акс этишини унутмаслик лозим. Умуман, асар генезиси ҳақида сўз юритувчи тадқиқотчи бениҳоя бой ва серқирра материалларга таяниши шарт. Бизнингча, поэтик матндаги ижодкор қалбининг сурати асар яратилишига туртки бўлган барча омиллар бирлигида, адабий асарга комплекс ёндашилгандагина кўринади. Акс ҳолда, бадиий ижод табиати жўнлаштирилган бўлади. Бинобарин, биографик метод бошқа методлар билан узвий алоқадорликда қўллангандагина ижобий натижа беради.

Албатта, ҳар бир ижодкорнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш у яратган бадиий асардаги энг муҳим муаммолар ечимини топишда таянч нуқта бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ёзувчи услуби ва маҳоратининг энг нозик нуқталарини англаш, образ яратиш жараёнидаги мураккаб психологик ҳолатларни тадқиқ этиш, ижодкорнинг ҳаётга, давр ижтимоий-сиёсий воқеаларига қандай позицияда туриб ёндашганлигини аниқлаш каби масалаларда айнан мана шу биографик ёндашув усули муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Саттор Жабборнинг фикрича, Ботунинг пролетар руҳдаги шеърлари пайдо бўлишида, коммунистик партия ғояларини қабул қилишида хотинининг таъсири катта бўлган. Рафиқаси таъсирида Боту ҳатто Фитратга ва бошқа миллатпарвар жадидларга қарши «Нафрат мени

тўғри йўлдан оздурганларга» қабилдаги шеърлар ёзишгача етган.³⁵ Агар Ботунинг шахсий биографиясига дахлдор бундай муҳим фактларни билмасак, унинг ижодидаги ўзгаришларни турли хил объектив ва субъектив тахминлардан қидириб нотўғри хулосаларга келишимиз мумкин эди. Демак, ижодкорнинг ҳаёти, умр йўлларида юз берган ҳар бир ўзгаришдан бохабарлик кези келганда унинг ижодини объектив баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, муаллиф қўлёзмасини (кенг маънода адабий матнни) ўрганиш бадий ижод табиатига хос муҳим муаммоларни ойдинлаштиришга ёрдамлашиши мумкин. У маҳорат сирларини, образ яратиш жараёнини кашф этиш, ёзувчи услубининг шаклланиш жараёнини, ижодий методи индивидуаллигини англаш имконини беради.

Машҳур рус олими П.Н.Сакулин бадий санъатда ижтимоий ҳодисаларнинг акс этиш жараёнини қуйидагича изоҳлаганди: «Адабиётнинг ижтимоий моҳиятига дахлдор муҳим жиҳат ана шу моҳиятни идрок қилиш жараёни билан белгиланади. Ижодкор ўзини «соф санъат» яратувчиси ҳисоблагани боис ўзини ҳар қандай ижтимоий фикрдан холи шахс сифатида ҳис қилиши мумкин. Бироқ бадий асар яратилгач, у ўз ижодкори истакларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, объектив ижтимоий қиймат касб этади. Шунинг учун, ёзувчилар хоҳлашадими ёки йўқми, адабиёт ижтимоий ҳодисадир».³⁶

Демак маълум бўладики, бадий адабиётда ижтимоий ғоялар ёзувчи истак-хоҳишларига бўйсунмаган ҳолда акс этади. Дарҳақиқат, «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларидаги бадий ҳиссиёт, аслида, жамият ҳиссиёти, ёзувчи дарди эса халқ дарди эди.

Ҳар қандай бадий адабиёт адабий ҳодиса бўлиши билан бирга, ижтимоий муносабатларни ҳам қамраб олади. Шу боис муайян маънода ижтимоий характерга эга бўлади. Бадий адабиётни, адабий ҳодисани ва

³⁵SettarCabbar.Kurtulus Yolunda. – Istanbul: In Kommission Bei Franz Steiner Verlag Stuttgart, 2000.– P.164.

³⁶Сакулин П.Н. Филология и культурология. – М.: Высшая школа, 1990. – С.99.

фактларни ижтимоий ҳаёт билан узвий алоқада ўрганиш (социологик тадқиқот методи) адабий асарда маълум бир тарихий даврдаги «халқ руҳи»нинг акс этишини кузатиш имконини беради. Зеро, миллатнинг айна даврдаги тафаккур даражаси, турмуш тарзи, урф-одатлари шу руҳ орқали намоён бўлади. Унинг туғма сажияси, табиий ва ижтимоий шароитларнинг инсонга таъсири, даврнинг маданий даражаси ойдинлаштирилади. Шунинг учун илк ўзбек муҳожирларининг социологик ёндашув тарзи бадиий воқелик ва реаллик муносабатлари, унинг ҳаққонийлик даражаси, ҳаёт ҳақиқати ва бадиий ҳақиқат муносабатлари сингари масалаларни ўрганишда қўл келган. Шубҳасиз, аксар ҳолларда улар ғоявий-мафкуравий жиҳатларга кўпроқ урғу беришган, баъзан эса вульгар социологизмга оғиб кетишган. Айна пайтда, қаҳрамонларнинг характер хусусиятлари, асардаги конфликтлар табиати, образлар тизими, айрим поэтик унсурларнинг ижтимоий илдишларини очишга ҳам уринишган. Бироқ улар характер ва прототип, тарихий шахс образи ва реал тарихий шахс муносабатлари каби ижод жараёни билан боғлиқ муаммоларни кенг таҳлил қилишгача юксала олишмаган. Бунинг бош сабабларидан бири ҳам мазкур методни мутлақлаштиришга уриниш билан изоҳланади. Шунга қарамай, 20-йиллар адабиётининг илк тадқиқотчилари биографик методга ҳам мурожаат этишганки, бизнингча, бу ижтимоий таҳлил усулини зарур ўринларда бошқа методлар билан биргаликда қўллашга интилиш тарзида баҳоланиши лозим. Муаммо моҳиятига юқоридаги нуқтаи назар асосида қаралса, муайян сўз санъати намуналарини ижтимоий жиҳатдан ўрганиш ҳам ўзига хос зарурат экани кўринади. Шу маънода, ўрганилган давр олимларининг муаммога ёндашув принциплари ўзини оқлай олади.

Назорат саволлари:

1. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабиёт назарияси тарихи ҳақида нималар биласиз?

2. Адабиёт назариясининг тараққиёт тамойиллари ҳақида маълумот беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. *American Slavic and East European Review*. Vol.16.№ 2, pp. 202-205.
2. Elaine Showalter: *Teaching Literature*. Blackwell Publishing Ltd, 2010.
3. Erkinov A. «The Study of Uzbek Classical Literature in Uzbekistan (1924–2014)» // *Asian Research trends. New series*. No 10 (2015). P.43-58.
4. Toutant Marc. *The last Timurids's Culture: Study of Imitation Practice through the case of Alisher Navai (1441-1504)'s Khamsa*, 2014.
5. Гадамер Х.Г. *Актуальность прекрасного*. М.: Наука, 1991.
6. Каримов Б. *Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур*. Тошкент, 2013.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:

Шарқ ва Ғарб герменевтикасининг умумий ва хусусий жиҳатлари

Ишдан мақсад: Герменевтика ва унинг ўзбек адабиётидаги тараққиёт тамойиллари, шарқ ва ғарб герменевтикасининг умумий ва хусусий жиҳатлари билан танишиш. Уларнинг миллий адабиётдаги ўрни масалалари юзасидан маълумотларга эга бўладилар.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

Вазифа. Навоий ва герменевтик тафаккур ҳақидаги маълумотларни умумлаштиринг. Шарқ ва Ғарб герменевтикасининг замонавий муаммолари ҳақида фикрларингизни билдиринг. Герменевтика ва талқин масаласи ҳақидаги қарашларингизни тизимлаштиринг.

Назорат саволлари:

1. Герменевтика нима?
2. Шарқ ва ғарб герменевтикасининг умумий ва хусусий жиҳатлари?
3. Герменевтика ва экзегетика ўртасидаги боғлиқ тушунчалар ҳақида маълумот беринг.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Гадамер Х.Г. Актуальность прекрасного. М.: Наука, 1991.
2. Гадамер Х.Г. Истина и метод. М.: Наука, 1988.
3. Герменевтика: история и современность. М., 1985.

4. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи: Биринчи китоб. Т: Ёзувчи, 1996.
5. Контекст: литературно-теоретические исследования. М., 1989; 1990; 1991.
6. Рикёр П. Герменевтика, этика, политика. М.: Наука, 1995;
7. Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV – XX аср манбалари. Филология фалари доктори диссертацияси. Тошкент, 1998.

2--амалий машғулот:

Герменевтика ва шарқ тафаккури

Ишдан мақсад: Герменевтика ва шарқона тафаккур тарзи ҳақида маълумотларни бойитиш. Герменевтика ва шарқ ҳамда ўзбек адабиёти тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш. Герменевтиканинг шарқ адабий матнларига татбиқи ҳақидаги билимларни бойитиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Вазифа. Герменевтик тафаккурга оид шарқ ва ғарб қарашларидаги муҳим нуқталарни аниқланг. Улардаги умумий ва хусусий нуқталарни аниқ мисоллар билан тушунтиринг.

Назорат саволлари

1. Адабий герменевтиканинг адабиёт, санъат ва фан ўртасидаги ўрни қандай?
2. Герменевтиканинг шарқ тафаккуридаги ўрни қайси жиҳатларда акс этади?
3. Герменевтиканинг шарқ адабитётидаги ўрни ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Гадамер Х.Г. Актуальность прекрасного. М.: Наука, 1991.
2. Гадамер Х.Г. Истина и метод. М.: Наука, 1988.
3. Герменевтика: история и современность. М., 1985
4. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи: Биринчи китоб. Т:Ёзувчи, 1996.
5. Контекст: литературно-теоретические исследования. М., 1989; 1990; 1991.

3--амалий машғулот:

Шарқ ва Ғарб навоийшунослиги ва унинг тараққиёт тамойиллари

Ишдан мақсад: Шарқ ва Ғарб навоийшунослигининг тараққиёт тамойиллари, умумий ва хусусий жиҳатлари ҳақида маълумот бериш. Жаҳон навоийшунослиги тарихи, тараққиёт босқичлари тўғрисида муайян тасаввурлар уйғотиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Вазифа. Жаҳон навоийшунослиги тарихига оид манбалар ҳақида маълумот беринг. Шарқ ва Ғарб навоийшунослигининг умумий ва хусусий нуқталарини аниқланг.

Назорат саволлари

1. Жаҳон навоийшунослиги тарихи ва тараққиёт босқичлари ҳақида маълумот беринг.

2. Дунё навоийшунослигининг ютуғи ва камчиликлари нималарда акс этади?
3. Шарқ ва ғарб навоийшунослиги ўртсидаги умумий ва хусусий жиҳатлар нималардан иборат?
4. Бугунги кунда дунё олимларининг Навоий ва унинг ижодига қизиқиши сабаблари нимада?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Эркинов А.С. Подражательность или оригинальность: оценка В.В.Бартольдом узбекской классической литературы // Русская диаспора в Узбекистане: время, события, люди. Материалы научной конференции. Ташкент, 2009, С.72-78.
2. Мирзаева З. Жаҳон навоийшунослиги: кеча ва бугун. Жаҳон адабиёти// 2016, № 3
3. Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. American Slavic and East European Review. Vol.16.№ 2, pp. 202-205.
4. Toutant Marc. The last Timurids's Culture: Study of Imitation Practice through the case of Alisher Navai (1441-1504)'s Khamsa, 2014
5. Umarov E. Alisher Navai and the Cagatay Alphabet. Act Orientalia Academiae Scientiarum Hungaricae 47 (1994): 441- 44.

4--амалий машғулот:

Шарқ ва Ғарб эстетик қарашларининг ўзига хос жиҳатлари

Ишдан мақсад: Эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон масалаларининг миллий ва ғарбона талқинлари ҳақида маълумотга эга бўлиш. Таҳлил ва талқинлардаги умумий ҳамда хусусий томонларни таснифлаш. Талқин объективлиги ва субъективлигини белгилаш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Вазифа. Миллий эстетик идеал ва эстетик идеал ҳақидаги маълумотларни таснифланг. Миллий эстетик идеалнинг шарқона ва ғарбона талқинларини аниқ мисоллар билан изоҳланг.

Назорат саволлари

4. Эстетик идеал нима?
5. Эстетик идеал ҳақидаги ғарбона ва шарқона қарашлар тафовути нимадан иборат?
6. Шарқ эстетик тафаккури ҳақида маълумот беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

4. Мирзаева З. Жаҳон навоийшунослиги: кеча ва бугун. Жаҳон адабиёти// 2016, № 3
5. Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. American Slavic and East European Review. Vol.16.№ 2, pp. 202-205.
6. Toutant Marc. The last Timurids's Culture: Study of Imitation Practice through the case of Alisher Navai (1441-1504)'s Khamsa, 2014.

5-амалий машғулот:

Ўзбек адабиёти жаҳон адабиётшунослиги контекстида

Ишдан мақсад: Ўзбек адабиётшунослиги тарихи ва тараққиёт босқичлари ҳақида билимларни бойитиш. Ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши тўғрисида янги маълумотларга эга бўлиш. Ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти контекстида тушунчаси хусусида аниқ мисоллар асосида муайян тасаввурлар ҳосил қилиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Вазифа. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи ва тараққиёт босқичлари қаси жиҳатларни ўз ичига олиши ҳақида маълумотлар беринг. Бугунги кунда ўзбеу адабиёти қайси дунё олимлари томонидан ўрганилмоқда ва улардаги таҳлил методларини аниқланг

Назорат саволлари:

1. Ўзбек адабиёт ва адабиётшунослиги тарихи ва тараққиёт босқичларини кўрсатинг.
2. Ўзбек адабиёти хориж адабиётшунослигида қандай ўрганилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзаева З. Ўзбек адабиётининг хорижда ўрганлиши. Тошкент, 2015.
2. Исматуллаев Х. Чўлпон ва жаҳон. // Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900 – 1924 ed. Timur Kocaoglu. – Haarlem, 2001.
3. Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. – Тошкент: Фан, 2011.

6--амалий машғулот:

Адабиёт назариясининг хориж тажрибаси. Тафаккурдаги сифатий силжиш

Ишдан мақсад: Ўзбек адабиётшунослиги ва адабиёт назарияси ўртасидаги муайян фарқлар ҳақида маълумотга эга бўлиш. Адабиёт назариясининг тараққиёт тамойилларини таснифлаш. Унинг ютуқ ва камчиликлари ҳақидаги билимларни боитиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Вазифа. Бугунги кунда ўзбе адабиётининг жаҳон адабиётшунослиги ривождаги ўрни масалаласини аниқланг. Ўзбе адабиёти назариясидаги қанда сифатий силжишларни кўриш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабиёт назарияси тарихи ҳақида нималар биласиз?
2. Адабиёт назариясининг тараққиёт тамойиллари ҳақида маълумот беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. *American Slavic and East European Review*. Vol.16.№ 2, pp. 202-205.
2. Elaine Showalter: *Teaching Literature*. Blackwell Publishing Ltd, 2010.
3. Erkinov A. «The Study of Uzbek Classical Literature in Uzbekistan (1924–2014)» // *Asian Research trends. New series*. No 10 (2015). P.43-58.
4. Toutant Marc. *The last Timurids's Culture: Study of Imitation Practice through the case of Alisher Navai (1441-1504)'s Khamsa*, 2014.
5. Гадамер Х.Г. *Актуальность прекрасного*. М.: Наука, 1991.
6. Каримов Б. *Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур*. Тошкент, 2013

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс. Ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётшунослиги контекстига асосланган жиҳатларини қайси нуқталар билан изоҳлаган бўлардингиз.

Фикрингизни баён этинг.

2-кейс. Бугунги Шарқ ва Ғарб Навоийшунослигининг ютуқ ва камчиликлари нималарда акс этади.

Фикрингизни аниқ мисоллар билан ифодаланг.

3-кейс. Шарқ ва Ғарб герменевтикасининг тараққиёт тамойиллари нималарда акс этишини бадиий асарлар мисолида изоҳланг.

4-кейс. Жаҳон адабиёти назариясининг ютқ ва камчиликлари нималарда ўз ифодасини топган.

Фикрингизни жаҳон назарийетчи олимлари асарлари мисолида аниқ изоҳланг.

5-кейс. Эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон талқинларининг объектив ва субъектив омиллари нималарда акс этади.

Фикрларингизни аниқ бадиий асарлар мисолида изоҳланг.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш

Мустақил таълим мавзулари:

- 1) Шарқ ва Ғарб герменевтикасининг ўзига хос хусусиятлари.
- 2) Адабий герменевтика ва унинг тараққиёт тамойиллари.
- 3) Герменевтика ва ўзбек адабиёти.
- 4) Эстетик идеал ва шарқона тафаккур.
- 5) Эстетик идеалнинг ғарбона хусусиятлари.
- 6) Жаҳон Навоийшунослигининг тараққиёт тамойиллари.
- 7) Шарқ ва Ғарб навоийшунослигининг хос хусусиятлари.
- 8) Ўзбек ва жаҳон адабиётида адабий танқид.
- 9) Адабий танқидда замонавий таҳлил методлари.
- 10) Ўзбек ва хориж адабиётшунослигида умумийлик ва хусусийлик.

VII. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|------------------|---|---|
| Герменевтика | Асар маъносини тушуниш ва талқин этиш назарияси | Theory which could explain about understanding and interpreting of literary text. |
| гносеология | билиш назарияси | Гносология is one of the most important theory which focused on understanding catagorogy |
| аксиология | қадриятлар назарияси | Aksiology is theory of customs |
| интерпретация | Талқин тушунчаси | Interpretation which has different kind of features. In this module interpretation is focused on literature, literary text as well as translation |
| Генеалогия | «Genealogia» - сўзидан олинган бўлиб, шажара деган маънони билдиради. Одамнинг бирор белги-хоссасининг авлодларда ирсийланишини тадқиқ этади. | Genealogy is a family history, is the study of families and the tracing of their lineages and history. |
| Неокантчилик | руҳий олам ҳақидаги фанлар–гуманитар соҳа табиат тўғрисидаги фанлар – табиий соҳага зид туради. | Neokant is one of the types of sciences about spiritual world. Humanitar field usully gives opposite meaning towards natural discipline. |
| “Ҳаёт фалсафаси” | Ижтимоий ҳодисаларни билишда “тушуниш” ва интуицияга таяниш | Philosophy of life - which based on understanding and intuition in |

| | | |
|---------------|---|---|
| | | recognizing social events |
| Тазкира | Шоирлар таржима ҳоли ва ижоди ҳақида қисқача маълумот беришга мўлжалланган асарлар | Literary texts which focused on giving short information about writings and poems biography |
| Эмпирик метод | Маълум воқеликнинг амалий фаолият орқали идрок этиш воситасида тушунтиради. | Empiric method which explains a certain events through practical activity |
| Экстраполяция | Нарса ва ҳодисанинг бир қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа қисмига ёйиш ёки татбиқ этиш. | Extrapolation is a term |

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигадаги роли ва ахамияти. Самарқанд, 2014 йил 15-16 май // Халқ сўзи. 2014. 16 май.

Меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т., 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 9-сон, 225-модда.
3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 11-12-сон, 295-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797 сонли Фармони.

Махсус адабиётлар

1. Allworth E. Interpretation of Two Lines by an Asian Poet. *American Slavic and East European Review*. Vol.16.№ 2, pp. 202-205.
2. Bertens H. *Literary Theory*. Second edition. // London-New York, 2008.–248
3. Culler J. *Literary Theory*. New York- London, 1997.–196 p.
4. Culler J. *Structuralist Poetics. Structuralism, Linguistics and Study of Literature*. Cornell University Press, Ithaca, New York, 1975.–301 p.
5. Culler J. *The Literary in Theory*.–Stanford University, Stanford, California, 2007.– 276 p.
6. Clark Katerina. *The Soviet Novel History as a Ritual*. Chicago and London. Chicago University Press, 1981.–293 p
7. Corti M. *An introduction to Semiotics*. – Bloomington: Indiana University Press, 1978.
8. Clement N.H. *Romanticism in France*. – New York: The modern language Association of America, 1939. – P.438 – 439.
9. Cuddon J.A. *Dictionary of Literary Terms and Literary Theory* (revised by C.E. Preston) Published in Penguin Books, 1999. – P.30.
10. Elaine Showalter: *Teaching Literature*. Blackwell Publishing Ltd, 2010.
11. Erkinov A. «The Study of Uzbek Classical Literature in Uzbekistan (1924–2014)» // *Asian Research trends. New series*. No 10 (2015). P.43-58.
12. Toutant Marc. *The last Timurids’s Culture: Study of Imitation Practice through the case of Alisher Navai (1441-1504)’s Khamsa*, 2014.
13. Umarov E. *Alisher Navai and the Cagatay Alphabet*. *Act Orientalia Academiae Scientiarum Hungaricae* 47 (1994): 441- 44.
14. Гадамер Х.Г. *Актуальность прекрасного*. М.: Наука, 1991.
15. Gadamer H.G. *Truth and Method*. Continium Publishing Group, 2004.
16. Герменевтика: история и современность. М., 1985.
17. Исматуллаев Х. Чўлпон ва жаҳон. // *Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900 – 1924 ed. Timur Kocaoglu*. – Haarlem, 2001.
18. Каримов Б. *Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур*. Тошкент, 2013.
19. Комилов Н. *Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи: Биринчи китоб*. Т:Ёзувчи, 1996.
20. *Контекст: литературно-теоретическыеисследования*. М., 1989; 1990; 1991.
21. Lyons Shawn T. *Chase Away This Pig from the Mosque: Eastern Politics in the Indian Dramas of Abdurauf Fitrat [Dramas Set in India by an Uzbek Author and Dramatist]*. *Central Asian Survey*. 22.2–3 (2003).–P. 299 – 313.
22. Lyons Shawn T. *Otabek's Return: Ignoring the Lessons of Jadid Reformism in Modern Uzbekistan*. // *Journal of Central Asian Studies*. 5.1 (2000).–P. 2 – 13.
23. Lyons Shawn T. *Resisting Colonialism in the Uzbek Historical Novel Kecha va Kunduz (Night and Day)*. 1936. // *Inner Asia*. 3. II (2001).– P. 175 – 92.

24. Мильруд Р.П. Методика преподавания английского языка. Учебное пособие для вузов. Москва: Дрофа, 2005.
25. Мирзаева З. Жаҳон навоийшунослиги: кеча ва бугун. Жаҳон адабиёти// 2016, № 3.
26. Мирзаева З. Ўзбек адабиётининг хорижий тадқиқотчилари. Тошкент, 2016.
27. Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. – Тошкент: Фан, 2011.
28. Рикёр П. Герменевтика, этика, политика. М.: Наука, 1995.
29. Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV – XX аср манбалари. Филология фалари доктори диссертацияси. Тошкент, 1998.
30. Эркинов А.С. Подражательность или оригинальность: оценка В.В.Бартольдом узбекской классической литературы // Русская диаспора в Узбекистане: время, события, люди. Материалы научной конференции. Ташкент, 2009, С.72-78.

Интернет ресурслари

1. [www. tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
2. [www. pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
3. [www. Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
4. [www. edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [tdpu-INTRANET. Ped](http://tdpu-INTRANET.Ped)
6. www.bbc.com/russian/learning_english
7. <http://www.native-english.ru/articles/study-abroad>